



Ўзбекистон миллий банки  
National Bank of Uzbekistan



ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ | 2015 | ANNUAL REPORT



Ўзбекистон миллий банки  
National Bank of Uzbekistan



ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ | **2015** | ANNUAL REPORT



## **Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисида ҲИСОБОТИ**

### **Ҳисобот тузилиши:**

1. Бошқарув Раисининг кириш сўзи.....	5
2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг энг муҳим яқунлари.....	9
3. 2015 йилдаги банк фаолиятининг асосий яқунлари.....	19
4. Банк халқаро саҳнада.....	29
5. Корпоратив банк.....	37
- филиаллар тармоғи.....	38
- кредит фаолияти.....	38
- лойиҳаларни молиялаштириш.....	42
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш.....	47
- қишлоқ қурилишини кредитлаш.....	48
6. Чакана банк.....	51
- омонат операциялари.....	52
- пластик карточкалар.....	55
7. Инвестиция банки.....	61
8. Банк технологияларини ривожлантириш.....	65
9. Банк ходимлари.....	69
10. Банк қошидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари   экспортини қўллаб- қувватлаш жамғармаси.....	75
11. Банк қошидаги Ўзбекистон Республикаси тасвирий санъат галереяси.....	81
12. 2015 йил учун вазифалар.....	85
13. Аудиторлик ҳисоботи.....	89



**REPORT**  
**on the Activity of the National Bank of Foreign Economic Activity**  
**of the Republic of Uzbekistan in 2015**

**Contents:**

1. Foreword of the Chairman of the Board.....	5
2. The Most Important Performance Results of the Economy of the Republic of Uzbekistan.....	9
3. Major Performance Results of Bank's Operation in 2015.....	19
4. Bank in the International Arena.....	29
5. Corporate Banking.....	37
- Branch Network.....	38
- Lending Activity.....	38
- Project Financing.....	42
- Lending of Small Businesses and Private Entrepreneurship .....	45
- Lending of Rural Construction.....	48
6. Retail Banking.....	51
- Deposit Operations .....	52
- Plastic Cards.....	55
7. Investment Banking.....	61
8. Development of Banking Technologies.....	65
9. Bank's Personnel.....	69
10. Fund of Export Support of Small Business and Private Entrepreneurship Entities under the Bank...	75
11. Arts Gallery of Uzbekistan under the Bank.....	81
12. Objectives for 2016.....	85
13. Auditor's Report.....	89





**БОШҚАРУВ РАИСИНИНГ  
КИРИШ СЎЗИ**

**FOREWORD OF THE CHAIRMAN  
OF THE BOARD**





### Қадрли мижозлар ва ҳамкорлар,

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мана кўплаб йиллардирки, мамлакатнинг энг йирик кредит ташкилотлари орасида муносиб ўринни эгаллаб келмоқда.

Банк мижозлар учун доимо очиқ ва уларнинг ҳар қандай талабларига жавоб беришга тайёр туриб, замонавий банк маҳсулотлари ҳамда хизматларининг барча турларини таклиф қилаётганини таъкидламоқчиман. Истисносиз барча мижозларга юксак даражада хизмат кўрсатилаётганлиги, вақт билан синалган ишончлилик, менежмент соҳасидаги юксак профессионализм, ишдаги тезкорлик ва самарадорлик, шунингдек Банкнинг ўз сиёсатини шакллантиришда ва амалга оширишда ҳамisha давлат, жамият ва бизнес жамоатчилиги манфаатларини эътиборга олишга интилиш Банкка йил сайин салмоқли ва барқарор молиявий натижаларга эришиш имконини бериб келмоқда.

Банк томонидан ишлаб чиқиладиган кредитлаш дастурлари миллий sanoatнинг асосий тармоқларини – тараққиёти бутун мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасига ижобий таъсир кўрсатувчи ўша “ўсиш нуқталари»ни қамраб олади.

Банк фаолиятининг стратегик йўналишлари иқтисодиётнинг юксак технологияларга асосланган ва ижтимоий муҳим тармоқларини қўллаб-қувватлаш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, юқори самарали янги ишлаб чиқаришларни жорий этиш чора-тадбирларини молиялаштириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хом-ашё ресурсларидан фойдаланиш ва уларни қайта ишлашга асосланган, импорт қилинаётган истеъмол моллари ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва ривожлантиришдан иборат. Мамлакатимизнинг йирик ишлаб чиқарувчилари, кичик ва хусусий бизнес корхоналари Банкнинг асосий қарз олувчиларидир.

Банк инвестицияларининг аксарияти ёқилғи-энергетик комплекси (хусусан, янги энергия ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш), транспорт, ахборот технологиялар, инфратузилмавий лойиҳалар, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, минтақавий иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган.

Банк кейинги йилларда минтақавий бўлимлар ва филиалларда аҳолига банк хизматларини тақдим этиш ҳисобига ўз чакана бизнеси йўналишини фаол ривожлантиряпти, Банкнинг минтақавий тармоғи эса доимий равишда кенгайиб бормоқда.

### Dear Clients and Partners!

As you know, for many years, the National Bank for Foreign Economic Activity of the Republic of Uzbekistan has been unchangeably occupying the deserved place among the largest crediting organizations of the country.

I would like to note that the Bank is always open for you and is ready to respond to all necessary demands by offering a wide range of modern banking products and services. High servicing level of all clients without exception, quality and reliability checked by time, exclusive professionalism of management, effective response and working efficiency, as well as unchangeable desire to consider interests of the state, society and business community in the course of formation and implementation of its own policy, allows the Bank year-to-year demonstrate weighty and steady financial results.

Lending programs developed by the Bank invariably contain provisions on the support of basic branches of home industry, those "growth points" development of which favorably affects the entire economy and social sector of the country.

The Bank strategically directs its activity to supporting highly technological and socially important branches of the economy, financing of the measures on mechanization, technical and technological refurbishment of the operating and developing new

The Bank takes maximum efforts for the enhancement of Bank's own financial steadiness and diversification of the sources of income, carries out permanent work on the increase of the number of corporate clients, development of the branch network, widens crediting of the enterprises of the real sector of the economy introduces new kinds of banking services. Financial sustainability of the Bank has been confirmed by such famous international rating agencies like Moody's and Standard&Poor's.

Reforms carried out under the leadership of the President of the Republic of Uzbekistan Islam Karimov, especially liberalization policy of all areas of public life, open new opportunities and perspectives for the progressive and dynamic development of our country. The Republic is entering in the new year of independence with the successfully implemented program of further deepening of the reform of the banking and financial system of the country, lofty goals of liberalization of the economy and democratization of market reforms, growth of competitiveness of national economy and provision of the steadily high growth of macro economic indicators.

In this respect, the financial policy of the Bank in future will also ensure promotion of strengthening of the economic capacity of the country by not only assisting

Катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол кредитлари Банкнинг оммавий маҳсулотлари орасида устувор ўрин тутди.

Банк ўз молиявий барқарорлигини ошириш ҳамда фойда манбаларини диверсификация қилиш учун бор куч-ғайратини сарфляпти, корпоратив мижозлар сонини кўпайтириш, филиаллар тармоғини ривожлантириш йўналишида доимий иш олиб борапти, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари кредитланишини кенгайтирапти, банк хизматларининг янги турларини жорий этмоқда. Банкнинг молиявий барқарорлиги таниқли Moody's ва Standart&Poor's халқаро рейтинг агентликлари томонидан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган ислоҳотлар, айниқса ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш сиёсати мамлакатимизни ривожлантириш учун янгидан-янги имкониятлар ва истиқболларни очиб бермоқда. Республика мустақилликнинг навбатдаги йилига мамлакатнинг банк-молия тизимини ислоҳ этишни янада чуқурлаштиришнинг муваффақиятли амалга оширилаётган дастури, иқтисодиётни эркинлаштириш ва бозор ислоҳотларини демократлаштириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичлар барқарор ўсишини таъминлашга доир олий мақсадлар билан кириб борапти.

Бу борада, Банкнинг молиявий сиёсати келгусида ҳам иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантиришда кўмаклашибгина қолмасдан, айни пайтда кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаб, бундан буён ҳам мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда ёрдам беради. Банк ўз мижозларига анъанавий банк операцияларидан бошлаб, манфаатли тарифлар бўйича бизнесни ривожлантиришнинг стратегик дастурларини, шериклик муносабатларининг узоқ муддатли ва самарали йўналишларини ишлаб чиқишгача бўлган ғоят кенг доирадаги хизмат турларини таклиф этишга тайёр.

Банк Бошқаруви ва шахсан ўз номидан Банкнинг барча мижозлари ва ҳамкорларига улар кўрсатаётган ёрдам, билдираётган ишонч ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун миннатдорчилик билдираман.

Хурмат билан,




**Бошқарув Раиси**  
**С.Раҳимов**

development of the leading branches of the economy but also by rendering support to small and private enterprises. The Bank is ready to offer its clients the broadest range of services starting with the traditional banking operations and finishing with the development of the strategic programs of business development on beneficial tariffs, long-term and effective directions of partnership relations.

On behalf of the Board and myself, I would like to express appreciation to all clients and partners of the Bank for their support, confidence and mutually beneficial cooperation.

Sincerely yours,

**S.Rakhimov**  
**Chairman of the Board**





**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИ  
РИВОЖЛАНИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЯҚУНЛАРИ**

**THE MOST IMPORTANT PERFORMANCE RESULTS  
OF THE ECONOMY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN IN 2015**



**ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ | 2015 | ANNUAL REPORT**



2015 йилдаги Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг яқунлари тўғрисида гапирар эканми, шуни таъкидлаш жоизки, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, энг муҳими, Конституциямизда кўзда тутилганидек, хусусий мулкнинг қонуний, меъёрий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан устувор ролини таъминлаш, Ўзбекистон иқтисодиётида давлат иштирокини босқичма-босқич камайтиришга қаратилган муҳим ислохотларни амалга ошириш йўлида катта қадам бўлди.

Таъкидлаш жоизки, тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида фақат углеводород хомашёси, қимматбаҳо ва рангли металллар, уран хомашёсини қазиб оладиган ва қайта ишлайдиган корхоналарни, шунингдек, табиий монополияларнинг стратегик инфратузилма тармоқларини – темир ва автомобиль йўллари, авиаташувлар, электр энергия ишлаб чиқариш, электр ва коммунал тармоқларини тўғридан-тўғри давлат бошқарувида сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Давлат активларини хусусийлаштириш, аввало, чет эллик инвесторларга сотиш вазибалари қўйилди ва бунинг учун тегишли шароитлар яратилди. Масалан, 506 та мулк комплекси танлов асосида, инвестиция киритиш шарти билан «ноль» қийматида янги мулкдорларга сотилди. Бу борада ана шу инвесторлар қарийб 1 триллион сўм ва 40 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш, шунингдек, 22 мингга яқин янги иш ўрни яратиш мажбуриятини олганини қайд этиш лозим.

Хусусийлаштириш дастурида кўзда тутилган, фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган 353 та давлат мулки объекти бузилиб, бунинг натижасида 120 гектар ҳажмидаги ер майдони бўшади. Бу ерларнинг қарийб 80 гектари ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш ва хизматлар кўрсатиш объектлари қуриш учун тадбиркорлар тасарруфига берилди.

Давлат мулки шаклидаги яна 319 та ана шундай объект инвентаризация қилиниб, хусусий мулк шаклига ўтказиш учун савдога қўйилди ва ўтган йили уларнинг 102 таси янги мулкдорларга сотилди. Бундан ташқари, 378 та акциядорлик жамиятининг давлат улуши баҳоланди ва чет эллик стратегик инвесторларга сотиш учун очик савдога қўйилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, изчил ривожланаётган ва муваффақиятли фаолият юритаётган «Навоийазот», «Фарғонаазот», «Урганч экскаватор», «Қизилқумцемент», «Жиззах аккумулятор заводи» акциядорлик жамиятлари каби корхоналар, «Алоқабанк», «Туронбанк» сингари банклар, «Ўзгросуғурта» компанияси ва бошқа

While speaking about the results of the economic development of the Republic of Uzbekistan in 2015, it is necessary to highlight that the decisive steps were taken to implement principally important reforms aimed to ensure deep structural transformations, reliable protection of the interests of private entrepreneurship and small businesses, and, what is especially important, in the legislative, regulatory, legal and practical provision of the priority role of private property, progressive reduction of presence of the state in the economy of Uzbekistan as this is envisaged by the Constitution of the country.

Along with this, it is admitted expedient to preserve under direct governance of the state only the enterprises carrying out extraction and processing of hydrocarbon materials, precious and non-ferrous metals and uranium, as well as the strategic infrastructure branches of natural monopolies - railway and automobile roads, air transportations, generation of power, electric and communal utilities networks.

There was set up the task and were created conditions for mass sales of public assets, first and foremost, to foreign investors. Therefore, 506 property complexes were sold at "zero" redemption value through auction with the investor's acceptance of the investment liabilities amounting to over 1 trillion Soum and USD 40 million, as well as creation of nearly 22 thousand new job places.

Following the privatization program, 353 unused and uncompleted objects of state property were pulled down. As a result, 120 hectares of land plots were freed, 80 of them were allotted to entrepreneurs to organize production and render services. Inventory has been completed and 319 unused objects of public property were put on sales for full private property; in 2015, 102 of them were sold to new owners. There have been assessed and put on public sales the state shares in more than 378 joint stock companies to the strategical foreign investors. It is necessary to emphasize that on sale are put the state shares in rather successful, dynamically developing enterprises, such as joint stock companies "Navoiazot", "Ferganaazot", "Urgench excavator", "Kyzylkumcement", "Jizzak accumulator plant", "Alokabank", "Turonbank" "Uzagrosugurta" insurance company and others.

Public shares of 52 joint stock companies put on sales have been already sold to private property. In particular, shares of the JSC "Kukon yeg-moi" that belonged to the state have been sold for the amount of USD 2.5 million.

The work held in the country concerned with business climate improvement finds its positive response in the ratings of business environment carried out by the international economic organizations. Thus, the World Bank published "Doing Business" rating where during one year only Uzbekistan rose by 16 points

муассасалардаги давлатга тегишли акциялар ҳам савдога қўйилди.

Шу тариқа 52 та акциядорлик жамиятидаги савдога қўйилган давлат улуши хусусий мулкдорларга сотилди. Жумладан, «Қўқон ёғ-мой заводи» акциядорлик жамиятининг давлатга тегишли акциялари 2 миллион 500 минг долларга сотилди.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб бораётган ишларимиз халқаро иқтисодий ташкилотларнинг рейтингларида ўзининг ижобий ифодасини топмоқда. Ўтган йилнинг октябрь ойида Жаҳон банки «Бизнес юритиш» рейтингини эълон қилди. Ана шу рейтингда Ўзбекистон фақат бир йилнинг ўзида 16 поғонага кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, «янги бизнесни қўллаб-қувватлаш» деб аталадиган мезон бўйича мамлакатимиз айни пайтда жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан қўлландиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди. «Кичик бизнес субъектларига кредит бериш» деб номланадиган кўрсаткич бўйича Ўзбекистон сўнгги уч йилда 154-ўридан 42-ўринга кўтарилди ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позицияга яхшилади.

Жаҳон банкининг маърузасида Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олгани қайд этилган.

Ана шу йўналишдаги ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолимизнинг 77 фоиздан ортиғи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда.

2015 йилда корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартиришимиз унинг ҳақиқий бозор хусусиятларига эга бўлишини таъминлаш ва консерватив қарашлардан халос бўлишида катта ҳисса бўлди.

Барча акциядорлик жамиятларининг фаолияти тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди, натижада 462 та жамиятни ёки уларнинг 43 фоизини тугатиш ёки бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга ўзгартириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

and took the 87th place. It should be particularly noted that by such criteria like "new business support", Uzbekistan currently occupies the 42nd place in the world; by ensuring execution of the signed contracts - the 32nd place; by the efficacy of the bankruptcy system of economically insolvent enterprises – the 75th place. During the past three years Uzbekistan raised by the indicator of "rendering credits to small business entities" from the 154th to the 42nd place and improved its rating by 63 positions only for 2015.

As it was marked in the Report of the World Bank, Uzbekistan currently enters in the first ten countries of the world that achieved during the last year the better results in the field of improvement of business environment for entrepreneurship activity.

It is worth mentioning that thanks to the undertaken measures, the small business and private entrepreneurship share in the gross domestic product grew from 31 percent in 2000 to 56.7 percent at the present time or by 1.8 times. Currently one third of the entire industrial 98 percents of agricultural output is produced in this sphere. Over 77 percents of all employed population work in it.

In 2015, great work was carried out for crucial changing of the principles and approaches in the system of corporate governance and giving it the true market-oriented character.

Full inventory of the activity of all joint stock companies has been carried out; based on this, decisions were taken on the liquidation or transformation into other organizational and legal form of 462 companies or 43% of their total number.

The Scientific and Research Center of Corporate Governance was established with the active involvement of the European School of Management and Technologies (Germany) to organize the systemic training and advanced training of managers and specialists of the joint stock companies, their mastering of modern methods of corporate governance.

Already in 2015, with wide involvement of the professors and teachers from the leading educational institutions of Germany and other economically advanced countries in the field of corporate governance training was arranged for over 160 top managers of joint stock companies, banks, the largest Republican enterprises; half of them went through probation training at German enterprises.

The most serious attention should be paid to the attraction of the investments directed to the implementation of the projects aiming at modernization, technical and technological refurbishment of the branches, structural transformations in the economy of the country. In view of this in 2015 there was attracted and utilized at the expense of all funding sources the equivalent of USD 15.8 billion,



Шу борада Германияда жойлашган Европа менежмент ва технологиялар мактабининг фаол иштирокида акциядорлик жамиятларининг раҳбар ходим ва мутахассисларини тизимли асосда тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш, уларнинг замонавий корпоратив бошқарув усулларини эгаллашни таъминлаш мақсадида мамлакатимизда Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази ташкил этилди.

2015 йилда Германия ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган бошқа давлатлардаги етакчи таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини кенг жалб қилган ҳолда, мамлакатимиз акциядорлик жамиятлари, банклар ва йирик корхоналарнинг 160 нафардан ортиқ раҳбар ходими корпоратив бошқарув соҳасида малака оширди, уларнинг ярми Германия корхоналарида тажриба орттирди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ. 2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5 фоиз кўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри четэл инвестицияларидир.

Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишини яқунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ҳам чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, фермер ва деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги туфайли ўтган йили мўл ҳосил етиштирилди – 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта хирмони барпо этилди.

Қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди.

or with the growth by 9.5% compared with 2014. At the same time over USD 3.3 billion or more than 21% of all the investments were foreign investments, of 73% make up direct foreign investments.

Of all investments 67.1% are directed to production construction. In 2015, this permitted to complete the construction and ensure commissioning of 158 large production facilities for USD 7.4 billion.

Deep structural changes are happening in agriculture. Thanks to the self-sacrificing labor and mastership of the farmers and dekhkan and despite heavy weather conditions, rich crop of agricultural produce was grown and gathered in the Republic - there have been produced over 7 million and 500 thousand tons of grain and over 3 million 350 thousand tons of cotton.

Exclusively important was the deepening of the industrial processing of agricultural raw materials, development of the infrastructure of storage of the grown crop. In 2015, there were created and modernized 230 enterprises for the industrial processing of agricultural produce, created and modernized 114 new refrigeration chambers with the capacity of 77.8 thousand tons. Total storage capacity of horticulture produce in the Republic has been brought to 832 thousand tons; it ensures uninterruptedly and without sharp leaps of prices provides the population of the country with basic types of agricultural output throughout the year widen its export supplies and preserve stability of prices.

There was continued the systemic work on the provision of the dynamic development of serving area and services as one of the most important transformations and diversification of the economy, increase of the employment, revenue and quality of people's life.

In 2015, the services sphere ensured more than the half of growth of the gross domestic product. At present, its share in the GDP 54.5% compared with 49% in 2010. Over a half of the entire employed population works in this area. Banking, insurance, leasing, consulting and other kinds of market services promoting development of private sector and small business are developing in the country by outstripping growth rates. There operating 80.4 thousand small business entities that make up over 80% of the total number of servicing enterprises.

Particular attention is paid to developing this sphere in the rural area. During the past three years, over 22.8 thousand projects were implemented within the framework of the implementation of the Program on the accelerated development of sphere of serving and services in the rural area; volume of the rendered services grew by 1.6 times, and their consumption per one rural resident grew by 1.5 times.

Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса, йил давомида нархларнинг мавсумий кескин ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконини бермоқда.

Иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, бандликни таъминлаш, одамларимизнинг даромади ва ҳаёт сифатини оширишнинг муҳим омил ва йўналишларидан бири тариқасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги тизимли ишлар изчил давом эттирилди.

2015 йилда ялпи ички маҳсулот ўсишининг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келган. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилдаги 49 фоиздан 54,5 фоизга етди. Жами банд аҳолининг ярмидан кўпи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Банк, суғурта, лизинг, консалтинг ва бошқа турдаги бозор хизматлари барқарор суръатлар билан ривожланмоқда, улар хусусий сектор ва кичик бизнес ривожига хизмат қилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасида 80 минг 400 та кичик бизнес субъекти фаолият юритмоқда ва бу хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари умумий сонининг 80 фоиздан ортиғини ташкил қилади.

Қишлоқларимизда ушбу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада жадал ривожлантириш дастури доирасида сўнги уч йилда 22 минг 800 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми 1,6 баробар, қишлоқда бир кишига тўғри келадиган хизматлар ҳажми 1,5 баробар ошди.

Бугун 2015 йилнинг яқунларига бағишланган ушбу маъруза ана шу даврда эришган марралар ва рақамлар ҳақидаги маълумотлар билан эмас, аввало айна ўтган йилда ҳаётга кенг кўламда татбиқ этилган ислохотларимиз ва катта аҳамиятга эга бўлган ўзгаришларга оид фикрлар билан бошлангани бежиз эмас, албатта.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, ҳисобот йилида ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди.

Йиллик бюджет ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан бажарилди.

When summing up the performance results for 2015, we have all grounds to say that tremendous work by scope and depth on the updating and reformation of the country, achieving steady and sustainable rates of growth and macroeconomic equilibrium of the economy.

Despite the continuing world financial and economic crisis, the gross domestic product grew by 8%, industrial production volume - by 8%, agricultural production - by almost 7%, construction and assembling works - by almost 18%.

The Annual State Budget has been executed with the positive balance of 0.1 percent of the GDP. The inflation rate made up 5.6%, i.e. within the limits of the projected parameters.

Following the rating of the authoritative World Economic Forum, Uzbekistan enters the five countries with the fastest developing economy in the world upon the results of 2014-2015 and growth projections for 2016-2017.

Besides this, in 2015, Uzbekistan became one of 14 countries awarded for achieving Millennium Development Goals in the field of provision of food by the UNO Food Agricultural Organization (FAO) member-countries.

In 2015, there was ensured the further strengthening of the banking system, growth of the capitalization level and broadening of the investment activity of the Bank. Compared with 2014, total capital of the banking system increased by 23.3% and reached 7.8 trillion Soum. During the past 5 years this indicator grew by 2.4 times. The capital adequacy level of the banking system of the country constitutes almost 24 percent that by 3 times exceeds the generally accepted international standards, and its liquidity is by 2 times higher the highest indicative assessments.

In spite of the significant slowing down of the world trade growth rates and decrease of the external demand, reduction of the world prices for the most important export goods, the positive balance was achieved in the foreign trade turnover that has permitted to ensure the growth of the state gold-and-currency reserves.

The low level of the state debt that does not exceed 18.5% of the GDP speaks for the achieved results and strengthening of the macro economic stability in the country.

Steadily high growth rates of the economy and services area created the necessary conditions for the accomplishment of the most important priority – to ensure employment of the population, mostly employment of graduates from the professional colleges and higher educational institutions.

Over 980 thousand job places were created in 2015; more than 60% of them were created in the rural area.

Over 480 thousand college graduates were employed. Commercial banks rendered to them privileged credits amounting to 280 billion Soum to organize their own business; this is by 1.3 times more than in 2014.



Инфляция даражаси 5,6 фоизни ташкил қилди, яъни прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлди.

Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш яқунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олган.

Бундан ташқари, 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотиغا сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

Ўтган йили банк тизимини янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва инвестициявий фаоллигини кенгайтириш таъминланди. Банк тизимининг жами капитали 2014 йилга нисбатан 23,3 фоиз кўпайиб, 7 триллион 800 миллиард сўмга етди. Сўнгги 5 йилда мазкур кўрсаткич 2,4 баробар ўсди. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил қилди. Бу умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 марта, банк ликвидлиги эса энг юқори кўрсаткичлардан 2 марта кўпдир.

Жаҳон миқёсида савдо-сотиқ ишларининг ўсиш суръати сезиларли даражада сустралгани, экспорт қилинадиган энг муҳим товарларга нисбатан ташқи талабнинг камайиши ва нархларнинг пасайишига қарамаддан, биз ташқи савдо айланмасида ижобий сальдога эришдик. Бу эса давлатимизнинг олтин-валюта захирасини ошириш имконини берди.

Давлат қарзи даражасининг пастлиги, яъни ялпи ички маҳсулотга нисбатан 18,5 фоиздан ошмагани ҳам мамлакатимизда эришилган ижобий натижалар ва макроекономик барқарорлик мустаҳкамланаётганидан далolat беради.

Иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суръатлар билан барқарор ўсиши биз учун энг муҳим устувор йўналиш бўлган – аҳоли бандлигини таъминлаш, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун зарур шароитлар яратди.

2015 йилда мамлакатимизда 980 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил қилинган бўлса, шунинг 60 фоиздан зиёди қишлоқ жойларда яратилди.

Коллежларнинг 480 мингдан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланди. Тижорат банклари томонидан уларга ўз бизнесини ташкил қилиш учун 280 миллиард сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди ва бу 2014 йилга нисбатан 1,3 баробар кўпдир.

Steadily high rates of the economic growth achieved in 2015 set up the stable basis for further gains of the population, increase of the level and quality of life of our people.

Salary of the workers of the budgetary organizations, pensions and scholarships were raised by 21.9%, and real total income per capita rose by 9.6%.

It should be noted that the share of income generated by the entrepreneurship activity increased up to 52 percent compared with 47.1 % in 2010 that significantly exceeds the analogous indicator in the CIS countries.

Particular attention in our country is paid to decreasing the level of the social stratification of the society. Relation of the income of 10% of the better provided population and 10% of the least provided population - the so called "Decile ratio" – had a steady downward trend in 2015 and made up 7.7% compared with 8.5% in 2010.

The built up international indicator characterizing stratification by income - Ginnie index - in 2015 made up 0.280 against 0.39 in 2000, and by its level it is significantly lower than in many economically developed and developing countries of the world.

Growth of incomes of the population promoted increase of the internal consumer's demand. During the year, the volume of the retail goods turnover grew by over 15%, and payable services - by 0.8%.

Qualitative changes took place in the level and structure of the economic security of population with the durable goods, the majority of which are manufactured inside the country today. In particular, provision of the families with the cars - 42 per 100 families is by 1.5 times higher the five-year-old indicator, with personal – 47 – with the growth during this period by 3.9 times, with conditioners – 31, or, correspondingly, by 1.7 times, with the mobile telephones – 234 or by 1.6 times.

It is especially worth mentioning that according to the rating assessments of 158 countries held in 2015 under the UNO aegis with the involvement of the group of independent organizations and international experts by such indicator as "Index of Happiness" characterizing the country's ability to ensure happy life for its residents, Uzbekistan took the 44th place against the 60th place in 2013.

In the passed year, the attention was focused on the issues of further reformation and improvement of the educational system. Annual expenses on education in Uzbekistan make up around 10-12 percent of the GDP that almost by 2 times exceeds the respective UNESCO recommendations (6-7%) concerned with the sizes of educational investments needed to ensure sustainable development of the country.

2015 йилда иқтисодиётимизни юқори суръатлар билан барқарор ривожлантиришга эришганимизаҳоли даромадларини янада кўпайтириш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун мустақкам асос яратди.

Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар 21,9 фоизга, аҳоли жон бошига жами реал даромадлар эса 9,6 фоизга ошди.

Таъдбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар улуши 2010 йилдаги 47,1 фоиз ўрнига 52 фоизга ўсгани ва бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги кўрсаткичлардан сезиларли даражада юқори эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

Юртимиздаги 10 фоиз таъминланган ва 10 фоиз етарлича таъминланмаган аҳоли даромадлари ўртасидаги фарк, яъни «децил коэффиценти» деб ном олган кўрсаткич барқарор пасайиш тенденциясига эга бўлиб, бу рақам 2010 йилдаги 8,5 фоиз ўрнига 2015 йилда 7,7 фоизни ташкил этди.


Даромадлар ўртасидаги фарқни ифода этадиган яна бир халқаро кўрсаткич – Жини индекси мамлакатимизда 2010 йилдаги 0,390 ўрнига 2015 йилда 0,280 ни ташкил этди ва бу натижа дунёнинг кўплаб иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган давлатларига қараганда анча пастдир.

Аҳоли даромадларининг ортиши натижасида ички истеъмол талаби кенгаймоқда. Чакана савдо айланмаси бир йилда 15 фоиздан зиёд, пуллик хизматлар ҳажми эса 10,8 фоизга ўсди.

Аҳолининг узок муддат фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиш даражасида ҳам сифат ўзгаришлари рўй берди. Бугунги кунда ушбу товарларнинг аксарияти мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда. Хусусан, ҳар 100 оиланинг 42 таси енгил автомобилларга эга бўлиб, бу беш йил аввалги кўрсаткичдан 1,5 баробар кўп, 47 та оила шахсий компьютерлар билан таъминланган ва бу даврда ўсиш 3,9 баробарни ташкил этди. Шунингдек, ҳар 100 та оиладан 31 таси кондиционерга эга ёки бу борадаги ўсиш 1,7 баробарга тенг, ҳар 100 та оилага 234 та мобиль телефон тўғри келмоқда ёки бу соҳадаги ўсиш 1,6 баробарни ташкил этмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида мустақил ташкилотлар гуруҳи ва халқаро экспертлар иштирокида 2015 йилда 158 та давлатда “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” деган мавзуда тадқиқот ўтказилди. Ҳар қайси мамлакатнинг ўз фуқароларини бахтли ҳаёт билан таъминлаш қобилиятини ифода этадиган ушбу индекс бўйича Ўзбекистон 44-ўринни эгаллади. Айтиш жоизки, юртимиз 2013 йилда бу рейтингда 60-ўринда эди.

In 2015, about 500 billion Soum were spent on the construction, reconstruction, overhaul repairs and equipment of 141 health facilities. During the past five years, thanks to the implemented measures, the maternity death rate per 100 thousand of newly born babies reduced from 23.1 to 19 cases, death of children under the age of 5 from 14.8 to 13.9, and infant mortality – from 11 to 10.7. By these indicators Uzbekistan fully achieved the respective Millennium Development Goals.



Ўтган йили таълим-тарбия соҳасини янада ислоҳ этиш ва такомиллаштириш масаласи ҳам диққат марказимизда бўлди. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10-12 фоизни ташкил этмоқда. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қарийб 2 баробар кўпдир.

2015 йилда 141 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун қарийб 500 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 мингга чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди.









**2015 ЙИЛДАГИ БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ  
АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ**

**MAJOR PERFORMANCE RESULTS  
OF BANK'S OPERATION IN 2015**



ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ | **2015** | ANNUAL REPORT



Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг банк-молия тизимини ривожлантиришдаги ўзига хос стратегияси давлатнинг ушбу жараёнда эркин бозор муносабатларига тўлиқ тайёр бўлишига қадар қатнашиши бўлди. Бундай ёндошиш Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган асосий тамойилларга асосланган эди.

Ўзбекистон банк тизимининг иқтисодий соҳаларини ташкил этишда қатнашувини таҳлил қилиш жараёни кўрсатадики, тижорат банклари алоҳида эътиборни мамлакатимизнинг тўлиқ иқтисодий мустақиллигини таъминлаш учун аҳамияти катта бўлган соҳаларни кредитлашга қаратди.

Ўзбекистон иқтисодийтини ислоҳ қилишда устувор йўналишлардан бири бу қулай бизнес ва инвестиция муҳитини яратиш, хорижий инвестицияларни жалб қилишдир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барқарор ва аниқ мақсадга қаратилган иқтисодий сиёсат йилдан-йилга инвестициялар, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини ошириш имкониятини бермоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ўз чиқиш сўзларида бир неча бор эътиборни банкларнинг ҳам йирик ишлаб чиқаришга, ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка инвестицияларни жалб қилиш фаолиятини кенгайтириш заруриятига қаратган.

Банк олдида қўйилган масалаларни амалга ошириш учун катта куч бериб, амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ҳамда янги қувватларни ишга тушириш бўйича лойиҳаларни молиялаштирмоқда. Натижада республикамизда юқори технологик корхоналар ташкил қилинди, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаол ўзлаштирилмоқда. Сезиларли силжишлар нафақат иқтисодий ва ишлаб чиқариш тузилмасида, балки экспорт номенклатурасида ҳам юз бермоқда. Биринчи навбатда, жаҳон бозорига хом-ашё ресурсларини эмас, балки тайёр маҳсулотни етказиб бериш ҳажмлари ортмоқда. Шу билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлашдек муҳим масала ҳам ҳал этилмоқда.

Банк Ўзбекистон банк тизимида етакчилик қилмоқда. 2015 йил якунларига кўра Банкнинг улушига банк тизими барча активларининг қарийб 25 фоизи тўғри келди.

Банкнинг жамлама баланси миллий валютага нисбатан эквивалентда 16070 млрд. сумни ташкил қилди. 2010-2015 йилларда 9080 млрд. сўмга ёки 2,3 бараварга кўпайди, 2015 йилда ўсиш 3152 млрд. сўмни ёки 24,4 фоизни ташкил қилди.

Development strategy of the banking and finance system of Uzbekistan during the independence years is particularly characterized by state's participation in this process just until the moment when the country gets fully ready for the liberal market relations. Such approach was based on the key development principles of the country elaborated by President Islam Karimov.

Analysis of the involvement of the Uzbekistan banking system with the formation and development of cottage economy shows that the commercial banks paid special attention to lending just those branches that the country particularly needed to ensure complete economic independence.

One of the prioritized reformation directions of the Uzbekistan economy is the creation of favorable business and investment climate, attraction of foreign investments. Steady and targeted economic policy implemented in our country permits to increase yearly investments inflow including the direct ones.


Not once the President of the Republic of Uzbekistan Islam Karimov drew attention in his statements to the necessity of widening banks' operation on the attraction of the investments to both large production and small business and private entrepreneurship.

To accomplish the setup tasks, the Bank finances the projects on modernization, technical and technological refurbishment of the operating productions and introduction of new capacities. As a result, high technology productions were created in the Republic, manufacturing of the output competitive in the external and internal markets are actively mastered. Progressive shifts took place not only in the structure of the economy and production but also in the export nomenclature. First and foremost, there grow supplies of finished products but not raw materials into the world market. Along with this it resolves such an important issue as employment of the population.

The Bank is the leader of the Uzbekistan banking system. According to the results of 2015, Bank's share comprises about 25% of all assets.

Bank's consolidated balance in terms of the equivalent of the national currency Soum (net) made up 16070 billion Soum. During the period from 2010 to 2015 it by increased 9080 billion Soum or by 2.3 times; as of 2015, the growth made up 3152 billion Soum or 24.4%.


**Банкнинг жамлама балансининг ўзгариши**  
**Change of the Consolidated Balance of the Bank**



Банк капитали миллий валюта сўмга нисбатан эквивалентда (субординацияланган облигациялар ва бошқа субординацияланган қарзларни ҳисобга олганда) 2010 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда 2,6 бараварга кўпайди ва 2124 млрд. сўмни ташкил қилди.

During the period from 2010 to 2015, Bank's capital in terms of the national currency Soum (considering the subordinated bonds and other subordinated debts) increased by 2.6 times and totaled 2124 billion Soum.

**Банк капиталининг ўзгариши**  
**Change of the Capital of the Bank**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 октябрдаги "Банкларни капиталлаштиришни янада ошириш ва уларнинг инвестиция фаоллигини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2420-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги 367-сонли Қарорига мувофиқ Банкнинг устав капитали 75,0 млрд.сўмга, шу жумладан 2015 йилда 35 млрд. сўмга ва 2016 йилда 40 млрд. сўмга кўпайди.

2015 йилнинг 31 декабрь ҳолатига Банкнинг устав капитали 160,946 млрд. сўм (39 млрд. сўм ва 400 млн. АҚШ доллари)ни ташкил қилди, бу эса 2014 йил натижаларидан 28 фоизга юқори.


2015 йил якунларига кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг янги қодалари, Базель III халқаро стандартларида кўзда тутилган талаблар босқичма-босқич жорий қилинишини ҳисобга олган ҳолда капитал етарлилиги кўрсаткичи 18,9 фоизни ташкил қилди; I-даражали капитал етарлилиги кўрсаткичи 14,2 фоизни ташкил қилди; левераж 7,0 фоизни ташкил қилди; жорий ликвидлик кўрсаткичи 101,8 фоизни ташкил қилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўйилган минимал меъёрий талаблар эса мос равишда 10%;7,5%;6%; 30%.

Following the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated 26 October 2015 No PP-2420 "On Additional Measures of Further Growth of Capitalization of the Banks and Enhancement of Their Investment Assets", Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No 367 dated 18 December 2015 "On the Introduction of Changes in the Articles of Agreement of the National Bank of Foreign Economic Activity of the Republic of Uzbekistan", the authorized capital of the Bank increased by 75.0 billion Soum, of which in 2015 - by 35 billion Soum, in 2016 - by 40 billion Soum.

As of 31 December 2015, Bank's authorized capital comprised 160.946 billion Soum (39 billion Soum and USD 400 million), that is higher the results of 2014 by 28%.

According to the results of 2015 with the consideration of new provisions of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan, stage-by-stage introduction of the requirements envisaged by the international standards of Basel III, capital adequacy ratio made up 18.9%; tire I capital adequacy made up 14.2%; leverage - 7.0%; current liquidity ratio - 101.8%; all these under the minimum regulatory requirement of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan - 10%, 7.5%, 6%, 30% correspondingly.

**График: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан  
2015 йилда ўрнатилган алоҳида меъёрларга риоя қилиниши.  
Compliance with the Some Regulatory Norms Set up by  
the Central Bank of the Republic of Uzbekistan in 2015**



Капиталлаштириш даражаси юқори бўлганлиги туфайли Банк мижозлар базасини кенгайтириш учун катта захира сақламоқда. Ликвидлик захираси ҳам ички, ҳам ташқи молия бозорларида керакли тўловларни нафақат ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга ошириш, балки молия-хўжалик фаолиятини ривожлантиришда Банк ва унинг мижозлари эҳтиёжларини қаноатлантириш имкониятини беради. 2015 йил якунларига кўра Банк 2014 йил кўрсаткичларидан 23,4 фоизга катта миқдорда даромад олди. Активлар ва капитал рентабеллиги кўрсаткичлари 0,6 ва 5,3 фоизга ошди.

Рентабеллик кўрсаткичлари одатда юқори эмас, чунки Банк иқтисодиётнинг асосий соҳалари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳамда ижтимоий дастурларни ҳал қилишга кўмаклашувчи имтиёзли шартларда директив кредитлашни катта ҳажмларда амалга оширмоқда.

#### Активлар ва пасивларни бошқариш

Активлар ва пасивларни бошқариш соҳасидаги асосий вазифа ташқи муҳит ҳамда активлар ва пасивларнинг тузилишига қараб ҳосил бўладиган хатарларни бошқариш, уларни назорат қилиш усуллари ёрдамида Банкнинг жорий ва стратегик мақсадлари бажарилишини таъминлашдан иборат.

Банк юритаётган активлар ва пасивларни бошқариш сиёсатининг бош мақсади барқарор ва самарали молиявий натижага эришиш, капиталлашув даражасини ошириш, пул оқимларини қоплаш учун ликвидликнинг зарур даражасини сақлаб туриш, ҳар бир мижознинг юқори сифатли ва ишончли банк хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш; омонатларни жамғариш ва иқтисодиётга инвестициялаш, таваккалчиликни йўл қўйиш мумкин бўлган даражадан оширмаган ҳолда маблағлар жойлаштирилишидан олинадиган даромадларни кўпайтириш ва мақбуллаштириш, муддатлар бўйича

Банк активлари ва пасивларининг тузилмаси мувозанатда бўлишига эришишдан иборат.

#### Банк ўз олдига қўйган мақсадларига қуйидагилар ҳисобидан эришади:

- капитал етарлилиги ва ликвидликни назорат қилиш;
- ликвидлик ҳолатларини ривожлантиришнинг турли сценарийларини моделлаштирган ҳолда уларни стресс тестдан ўтказиш;
- капитал базасини актив операциялар ўсишига адекват тарзда кўпайтириш;
- баланснинг янада ўсишини таъминлаш;

Thanks to high capitalization, the Bank keeps the significant reserve for broadening the clientele base. Liquidity reserve permits not only timely and fully carry out necessary payments both in the internal and external financial markets but also satisfy needs of the Bank and its clients in the development of the financial and economic activity.

Following the results of 2015 the Bank received the profit exceeding the indicator of 2014 by 23.4%. Assets efficiency made up 0.6%, on balance capital - 5.3%.

Efficiency indicators are not traditionally high as the Bank implements directed lending on privileged terms that assists development of the basic branches of the economy, small business and private entrepreneurship, as well as implementation of the social programs and so on.

#### Asset and Liability Management

The main task of Assets/liabilities Management Department implies ensuring fulfillment of the current and strategic goals of the Bank with the help of the methods, types of management and supervision of risks generated by the external environment and assets/liabilities structure.

The principal aim of the asset/liability management policy implemented by the Bank is: achievement of the stable and effective financial result, growth of capitalization, maintenance of the necessary liquidity level to cover cash flows, ensure the needs of any client in high quality banking services and confidence; saving of the deposits and investment in the economy, accumulation and optimization of revenues from the placement of funds on terms of admissible risk level, achievement of the balanced structure of assets and liabilities of the Bank by maturities.

#### The goal set up by the Bank is achieved thanks to:

- Capital adequacy and liquidity controls;
- Application of stress-testing of liquidity positions with modeling different scripts of their development;
- Accumulation of the capital base adequate to the growth of assets operations;
- Ensuring further growth of balance;
- Formation of the optimum balance structure aiming to generate maximum profitability with the limitation of the possible risk level;
- Widening of the clientele base at the expense of the attraction of new corporate and retail clients;
- Protection of the interests of the clients;
- Improvement of the ideology of working with a client based on the combination of standard technologies and individual approach to any client;

- эҳтимолий таваккалчилик даражасини чеклаган ҳолда максимал даромад олиш мақсадида балансинг энг мақбул тузилишини шакллантириш;

- янги корпоратив ва чакана мижозларни жалб қилиш ҳисобига мижозлар базасини кенгайтириш;

- мижозлар манфаатларини муҳофаза қилиш;

- стандарт технологияларни ҳар бир мижозга яқка тартибда ёндошув билан уйғунлаштирган ҳолда мижозлар билан ишлаш мафкурасини такомиллаштириш;

- операцияларнинг рентабеллиги ҳамда бозор шароитига берилган баҳога асосланган ҳолда ягона фоиз ва тариф сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш, бунда стратегик жиҳатдан муҳим мижозларга яқка тартибдаги шартлар ўрнатилишини мустасно қилмаслик;

- мижозлар ишончи, хизмат кўрсатиш тарихи, анъаналари ва тажрибаси каби рақобат устунликларидан самарали фойдаланиш;

- ресурсларни тезкор қайта тақсимлаш ҳамда кўп филиалли мижозларга комплекс хизматлар кўрсатиш имконияти ва бошқалар.

2015 йил натижалари бўйича Банкнинг активлари тузилиши (нетто) қуйидаги графикда фоиз ҳисобида кўрсатилган:


- Enforcement of single percent and tariff policy based on the efficiency of operations and assessment of market conditions without exclusion of tailoring individual conditions for strategically important clients;

- Effective utilization of the competitive privileges like client's confidence, history, traditions and servicing experience;

- Opportunities of the operative redistribution of the resources and complex servicing of multiprofile clients and so on.

Structure of Bank's assets (net) by the results of 2015 (%) is given below.

**Банк активларининг тузилиши.  
Assets Structure of the Bank (%)**




2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, Банк активлари (нетто) 16 070 млрд. сўмни ташкил этди, шу жумладан, даромадли активлар улуши барча активларнинг 83 фоизига етди. Даромадли активлар 2015 йилда аввалги йил натижаларига нисбатан 27,6 фоизга кўпайди, барча активлар 24,4 фоизга ўсди.

Активлар тузилишида кредит операцияларининг улуши катта салмоққа эгадир – Банкнинг барча нетто активларининг 61 фоизи. Банк аввало иқтисодиётнинг базавий тармоқларида модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини кредитлар билан ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда; кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожланишини рағбатлантирмоқда; хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаси тармоқларини ривожлантиришда кўмаклашмоқда, шунингдек минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари кредитлар билан қўллаб-қувватланишини таъминламоқда ва ҳ.к.

As of 01.01.2016, Bank's assets (net) comprised 16 070 billion Soum including the share of earning assets that made up 83% of total assets. Compared with the previous year the earning assets for 2015 grew by 27.6%; total assets grew by 24.4%.

Significant weight of assets in the assets structure falls on the credit operations of 61% of the entire net assets of the Bank. The Bank provides the all-round credit support of the processes of modernization, technical and technological refurbishment of basic branches of the economy in particular; encourages development of small business and private entrepreneurship, branches of servicing area and cottage work, as well as provides credit support of social and economic development programs of regions and so on.

**Умуман активлар ва даромадли активларнинг ўсиши**  
**Growth of the On Balance Assets (Net) and Earning Assets**



Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги вакиллик, пасивлар бўйича мажбурий резервлаш, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар ўрнини қоплаш ҳисобварақларида қолдиқлар мавжуд бўлиб, улар улуши барча активларнинг 14 фоизини ташкил этди.

Бошқа банклардаги маблағлар 13 фоизни ташкил қилди. Ҳам ички, ҳам халқаро пул бозорларида депозитларни жойлаштириш ишлари мамлакатлар, банклар ҳамда банк маҳсулотлари бўйича белгиланган таваккалчилик лимитлари доирасида олиб борилмоқда.

Инвестициялар ва қимматли қоғозларга кўйилмалар 5 фоизни ташкил этди.

Активларнинг умумий тузилишида Банкнинг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки улуши 1 фоизни ташкил қилди.

Банк пасивларининг 90 фоизи мажбуриятларга ва 10 фоизи капиталга тўғри келади.

2015 йил натижалари кўра Банк пасивлари тузилиши қуйидаги графикда фоиз ҳисобида кўрсатилган:

The Central Bank of the Republic of Uzbekistan keeps balances on its accounts: correspondent, liability reserve requirements, coverage of possible assets losses; their share made up 14% of the entire assets.

Funds with the other banks made up 13%. Placement of the deposits in money markets, both internal and international, is done within the established limits of risks for countries, banks and banking products.


Placements in the investments and securities made up 5%.

The share of fixed assets and other property of the Bank in its total assets structure made up 1%.

In liabilities 90% falls on the liabilities and 10% on the capital.

Structure of Bank's liabilities by the results of 2015 (%) is presented in the graph below:

**Банк пасивлари тузилиши**  
**Structure of Bank's Liabilities**



Умумий пасивларнинг 24 фоизи, тўланиши керак бўлган қарзларнинг 24 фоизи хорижий банклар берган кредитлар улушига тўғри келади. Кейинчалик кредитлар сифатида қайта молиялаш учун жалб этилган маблағларнинг умумий улуши 48 фоизни ташкил этди.

Барча пасивлардан миқозлар маблағларининг улуши 36 фоизни ташкил қилади, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектлар депозитлари улушига 29 фоиз, аҳоли омонатларига 7 фоиз, Банк чиқарган қимматли қоғозлар улушига 1 фоиз, банклар депозитларига 2

Share of credits from the foreign banks makes up 24% total liabilities, loans payable make up 24%. All in all, the share of funds attracted for future refinancing in loans made up 48%; it is connected with the role of the Bank as the agent of the Government of the Republic on the attraction of foreign investments and loans in the economy of Uzbekistan. Share of clients liabilities makes up 36% of total liabilities; of them share of the deposits of the economic entities makes up 29%, deposits of the population - 7%. Share of the securities issued by the Bank is 1%; deposits of the banks - 2%. Bank's capital makes up 10% of total liabilities.

фоиз, банк капиталига барча активларнинг 10 фоизи тўғри келади.

Пассивлар бошқарилишини мақбуллаштириш мақсадида қуйидаги чоралардан фойдаланилмоқда: ликвид позицияни сақлаб туриш учун контрагент банклар томонидан Банкка кредит йўналишлари очиш; жойлаштириш муддатларига мос келадиган жалб этиш муддатлари бўйича ресурс базасини диверсификация қилиш; маблағларнинг ўртача қолдиғи барқарорлигини ҳамда улар ўтроқлиги даражасини аниқлаш учун коэффицентлар тизими орқали мижозлар маблағларини таҳлил қилиш ва бошқалар.

Банк пассивлари тузилишининг ўзига хос хусусияти у хорижий инвестициялар ва қарзларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилиш бўйича Республика Ҳукуматининг агенти вазифасини амалга ошираётганлиги билан боғлиқ.

Активлар ва пассивларни бошқариш нарх сиёсати (фоиз, тариф сиёсатлари) билан узвий боғлиқдир. Зеро, у самарали фаолиятни таъминлаш, фойдалилик билан ликвидлик ўртасидаги энг мақбул балансни сақлаб туришда ҳал қилувчи роллардан бирини ўйнайди ва шу тариқа умумиқтисодий барқарорликни таъминлайди, Банк мижозлари учун банк маҳсулотларининг жозибадорлигини белгилувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Активлар ва пассивларни, уларнинг фоизлар борасидаги таъсирчанлигини бошқариш Банк балансини бошқаришнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади ва у фоиз маржасининг даражаси барқарорлигини таъминлайди.

Маблағларни қўйиш/қабул қилиш, капитални шакллантириш масалалари кўриб чиқилаётганда Банк томонидан стратегик ва жорий ривожланиш режаларидан ташқари, Ҳукуматнинг Ўзбекистон банк-молия тизими молиявий барқарорлигини оширишга қаратилган қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тартибга солувчи талаблари эътиборга олинади.

Бундан ташқари, Банк ўз фаолиятида мамлакатлар учун лимитлар, вакил банклар учун лимитлар, пул ва валюта бозорларидаги операциялар учун лимитлар, савдони молиялаштириш, валюта операцияларини очиш каби бошқа лимитлар соҳаларида таваккалчилик лимитларини белгилаш ва назорат қилишнинг ўзи ишлаб чиққан тизимларига амал қилади.

Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талабларига кўра белгиланган иқтисодий нормативларни зарур даражада сақлаб турибди. 2015 йил ичида Банкнинг ишчанлик нуфузи йўқолиши хатари омиллари юзага келмади.

The following measures are taken in view of optimization of liabilities management: opening of credit lines for the Bank by counterparties to maintain the liquidity ratio; diversification of the resource base by the time of attraction complying with the time of placement; analysis of clients assets through the system of ratios to identify sustainability of the average balance and level of funds settling, and etc.

Peculiarity of the liabilities structure of the Bank is connected with its role of agent of the Government of the Republic on the attraction of foreign investments and loans in the economy of Uzbekistan.

Assets and liabilities management is inseparably associated with the pricing policy (interest rate, tariff) that plays one of the decisive roles in ensuring effective operation, maintenance of the optimum balance between cost effectiveness and liquidity providing general economic sustainability and being one of the determining factors of the attractiveness of banking products for Bank's clients.

Assets and liabilities management, their interest sensitivity ensuring sustainable level of the interest rate is one of the important management instruments of Bank's balance. While considering issues of depositing/accepting funds and forming the capital, the Bank takes into account besides the plans of strategic and current development, resolutions of the Government aiming at the increase of financial sustainability of the banking and finance system of Uzbekistan, as well as the regulatory requirements of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan.

Besides that, the Bank in its operation is guided by its own systems of the establishment and supervision of risk limits in such spheres like limits for countries, for correspondent banks, for the operations of the money and currency markets, trade financing, open foreign currency positions and so on.

The Bank maintains at the necessary level the economic regulatory ratios established by the requirements of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan.

No one factor of the risk of the loss of business reputation of the Bank emerged during 2015.





БАНК ХАЛҚАРО САҲНАДА

BANK IN THE INTERNATIONAL ARENA



ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ | 2015 | ANNUAL REPORT



Банк тизими мамлакатнинг халқаро ҳамкорлик кўламларини кенгайтиришда муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли, Банкнинг тажрибаси, ресурслари ва хорижий ҳамкорлар билан пухта йўлга қўйилган алоқалари мазкур соҳага йўналтирилган. Банк хорижий алоқаларини доимо ривожлантирган ҳолда Ўзбекистон Республикасини халқаро молия ҳамжамиятига қўшилишига фаол кўмаклашмоқда.

Республикамизнинг хорижий давлатлар билан молиявий-иқтисодий алоқаларини чуқурлаштириш, хорижий капиталнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга қизиқишини ошириш, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестициялар ва илғор технологияларни жалб қилиш юзасидан Банкка юклатилган вазифаларга мувофиқ унинг ташқи иқтисодий фаолияти хорижий банклар ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга қаратилди. Банк ушбу ҳамкорлик доирасида, хусусан, лойиҳалар ва савдони молиялаштириш соҳасида, шунингдек халқаро ҳисоб-китоблар ва ғазначилик операциялари соҳасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича эришилган натижаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишларини олиб бормоқда.

Банкнинг асосий хорижий вакиллик банкларига дунёнинг қуйидаги энг йирик банклари киради: Германиянинг Commerzbank AG, Deutsche Bank AG ва Landesbank Berlin AG, Американинг J.P.Morgan Chase, Citibank ва The Bank of New York Mellon, Швейцариянинг Credit Suisse, Япониянинг Sumitomo Mitsui Banking Corporation (SMBC) ва Bank of Tokyo Mitsubishi UFJ (BTMU) ва бошқалар.

Халқаро молия институтлари ва тараққиёт банклари орасидаги асосий ҳамкорлар – Хитой Давлат Тараққиёт банки (CDB), Хитой Экспорт-импорт банки (Eximbank of China), Корея Экспорт-импорт банки (Eximbank of Korea), Корея Тараққиёт банки (KDB), Ислон Тараққиёт банки (IDB), Осиё Тараққиёт банки (ADB), Япония Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC), Халқаро молия корпорацияси (IFC) ва бошқалар.

Банк ҳар йили машҳур халқаро нашрларнинг нуфузли рейтингларида қатнашиб, жаҳон банк тизимида илғор мавқеларни дадил эгаллаб келмоқда. Банк "The Banker" нашри томонидан ҳар йили эълон қилинадиган жаҳоннинг 1000 та энг йирик банки рейтингига 1993 йилдан буён киради.

Банк профессионал молия институти ва ўз мижозларининг ишончли ҳамкори сифатида мустаҳкам обрў қозонганлиги, шак-шубҳасиз, жаҳоннинг энг катта банклари билан вакиллик муносабатлари тармоғини кенгайтиришда ёрдам берди.

The banking system must play an important role in scoping up the international cooperation of the country. That is why the experience of the National Bank of Foreign Economic Activity of the Republic of Uzbekistan, its resources and well established relations with foreign partners are aimed just at this area. Constantly developing foreign relations, the Bank actively assists integration of the Republic of Uzbekistan with the international financial community.

According to the tasks on the deepening of the financial and economic relations of the Republic with the foreign states, attraction of the investments and advanced technologies in the economy of the country entrusted to the Bank, its foreign economic activity is aimed at further development and deepening of cooperation with foreign banks and international financial institutes. Within the framework of this cooperation, the Bank carries out the targeted work on further development and strengthening of its positions in the field of project and trade financing, as well as international settlements and treasury operations.

The largest banks of the world are among the main foreign correspondent-banks: German Commerzbank AG and Deutsche Bank AG; American J.P. Morgan Chase, Citibank and The Bank of New York Mellon; Swiss Credit Suisse; Japanese Sumitomo Mitsui Banking Corporation (SMBC) and Bank of Tokyo Mitsubishi UFJ (BTMU) and others.

Among the international financial institutes and development banks, the following are the main partners of the Bank: the State Chinese Development Bank (CDB), Export-import Bank of China (Eximbank of China), Export-import Bank of Korea (Eximbank of Korea), Korean Development Bank (KDB), Islamic Development Bank (IDB), Asian Development Bank (ADB), Japanese Bank of International Cooperation (JBIC), International Financial Corporation (IFC) and others.

The Bank assuredly remains on the advanced positions of the world banking system annually participating in the prestigious ratings of famous international publications. Since 1993 it enters the TOP 1000 rating of the largest banks of the world published by "The Banker" publication every year.

Steadily established reputation of the Bank as of the professional financial institute and reliable partner undoubtedly promoted widening of the network of the correspondent banks relations with the largest banks of the world. Today correspondent banks network of the Bank covers nearly 667 banks in 80 countries of the world including 24 banks of Uzbekistan.

Being the participant of many intergovernmental events, the Bank represents the Republic of Uzbekistan

Хозирги кунда Банкнинг вакиллик тармоғи жаҳоннинг 80 мамлакатига мансуб қарийб 667 та банкни, ҳамда 24 та Ўзбекистон банкни қамраб олган.

Қўллаб ҳукуматлараро комиссияларнинг иштирокчиси ҳисобланувчи Банк хорижий банклар ва молия институтларининг маблағларини республика иқтисодиётига жалб этиш, банклараро операцияларни тақомиллаштириш, хорижий банклар билан ҳамкорликнинг янги йўналишларини ривожлантириш масалаларида Ўзбекистон Республикаси номидан иш олиб бормоқда. Шу сабабли 2015 йилда Банк Раҳбарияти Ўзбекистонда ўтказилган бир қатор тадбирларда қатнашди, шулар орасида Япония Бош вазирининг Ўзбекистонга қилган давлат ташрифи доирасида Япония Sumitomo Mitsui Banking Corporation (SMBC) банки билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим имзоланиши, “МЕДЕФ Интернасиональ” француз корхоналари ассоциацияси делегациясининг ташрифи доирасида бўлиб ўтган Ўзбек-Француз бизнес-форуми. Шунингдек Банк раҳбарияти Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро инвестиция форумида иштирок этди.

Банк Раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияси таркибиде Токио шаҳрида ўтказилган иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япон-Ўзбек ва Ўзбек-Япон қўмиталарининг 12-мажлисида, Сеул шаҳридаги Ўзбек-Корея бизнес-форумида, Пекин ва Жичжао шаҳарларидаги ҳамкорлик бўйича Ўзбек-Хитой Ҳукуматлараро Қўмитасининг 3-мажлисида, Берлин шаҳридаги Ўзбек-Германия Ишчи Кенгашининг 1-мажлисида, Шанхай ҳамкорлик Ташкилоти Банклараро Бирлашмаси Кенгашининг ҳар йилги 11-мажлисида иштирок этди.

Шунингдек, Банк томонидан бевосита Халқаро Валюта Фонди, Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки, Япония Sumitomo Mitsui Banking Corporation банкнинг миссиялари билан икки томонлама учрашувлар бўлиб ўтди ва бошқа вакил банкларнинг вакиллари билан бир қатор музокаралар ташкил этилди.

2015 йил давомида Банк томонидан ҳамкорлик бўйича иккитомонлама ҳужжатлар имзоланди. Булар кредит йўналишларини жалб қилишни кўзда тутувчи Япония Sumitomo Mitsui Banking Corporation банки билан 100 млн. АҚШ доллари миқдориде ҳамкорлик тўғрисида битим, Германиянинг Commerzbank AG банки билан 250 млн. евро миқдориде Ҳадли Қарз Битими ҳамда Deutsche Bank AG билан 800 млн. АҚШ доллари миқдориде Ўзаро англашув меморандуми бўлиб, банк-молия институти билан ўзаро манфаатли шерикчилик муносабатларини кенгайтириш, ҳудудий ҳамкорлик доирасида экспорт-импорт савдо операцияларини қўллаб-қувватлаш, йирик инвестиция

on the issues of attraction of funds from foreign banks and international financial institutes in the economy of the Republic, improvement of the process of carrying out international operations, development of new directions of cooperation. In this relation, during 2015, Bank's management took part in a number of such measures held in Uzbekistan like signing of the Agreement on Cooperation with the Japanese Bank Sumitomo Mitsui Banking Corporation (SMBC) within the framework of the state visit of the Japanese Prime-Minister to the Republic of Uzbekistan; Uzbek-French Business-forum that happened within the framework of the visit of the delegation of the Association of the French Enterprises "MEDEF International". Bank's management also participated in the International Investment Forum held in Tashkent.

Within the official delegations of the Republic of Uzbekistan the Bank's management took part in the 12th sitting of the Japanese-Uzbek and Uzbek-Japanese committees on the economic cooperation held in Tokyo; in the Uzbek-Korean Business Forum in Seoul; in the 3rd meeting of the Uzbek-Chinese Intergovernmental Committee in Beijing and Jichjao; in the 1st sitting of the Uzbek-German Business Council in Berlin; in the 11th Annual Sitting of the Board of the Interbank Association of Shanghai Cooperation Organization.

The Bank itself also held bilateral meetings with the missions of the International Monetary Fund, CPR Eximbank, Japanese Bank Sumitomo Mitsui Banking Corporation, and organized multiple negotiations with the representatives of other correspondent banks.

In the course of 2015, the Bank signed bilateral documents on cooperation, such as the Agreement on Cooperation totaling the amount of USD 100 million with the Japanese Bank Sumitomo Mitsui Banking Corporation, the Framework Credit Agreement with the German bank Commerzbank AG totaling Euro 250 million, as well as the Memorandum on Mutual Understanding with the Deutsche Bank AG totaling the amount of USD 800 million and envisaging attraction of credit lines; this allowed continue the work on widening mutually beneficial partnership relations with banking and finance institutes, supporting export-import trading operations within the framework of regional cooperation, implementing large investment projects, financing of small business and private entrepreneurship projects.

The matter of getting and maintaining the high rating assessment of the leading international agencies remains the actual and important term of further successful integration with the international financial and economic systems.

Since December 2007, the Bank actively cooperates with the international rating agency "Moody's Investors Service", since November 2008 it also cooperates with the Standard

лойиҳаларини амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш бўйича ишларни олиб бориш имконини берди.

Етакчи халқаро рейтинг агентликларининг юксак баҳоларини олиш ва сақлаб қолиш масаласи банк сектори ҳам, бутун мамлакат иқтисодиёти ҳам халқаро молиявий-иқтисодий тизимга янада муваффақиятли кириб боришининг долзарб ва муҳим шарт ҳисобланади.

Банк 2007 йил декабрь ойдан "Moody's Investors Service" ҳамда 2008 йил ноябрь ойдан "Standard and Poor's" халқаро рейтинг агентликлари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бугунги кунда Банк мамлакатимизда ушбу халқаро агентликларнинг рейтингларини олиб, дадил сақлаб турган кредит-молия муассасаси ҳисобланади. Барча рейтинглар "барқарор" прогнозига эгадир.


Банкка нуфузли халқаро агентликларнинг ижобий рейтинглари берилганлиги ривожланиш стратегияси тўғри танланганидан яна бир бор далолат беради ҳамда Ўзбекистоннинг тижорат банклари орасида Банкнинг ички ва ташқи бозорлардаги етакчилик мавқеини тасдиқлайди. Етакчи халқаро рейтинг агентликларининг юксак баҳолари олинганлиги ва барқарорлиги Банкнинг миллий иқтисодиётда муҳим роль ўйнаётганлигини кўрсатади.

Рейтинг агентликлар билан ҳамкорлик соҳасидаги тажриба ва ахборот алмашиш ҳамда рейтинг агентликлар билан иш масалаларини ўрганиб чиқиш мақсадида 2015 йилда "Moody's Investors Service" ва "Standard and Poor's" агентликларининг таҳлилчилари билан бевосита икки томонлама учрашувлар ўтказилди.

and Poor's Agency. The Bank is a credit-financial institute of the country possessing and assuredly maintaining ratings of these international agencies: all ratings have the forecast "stable".

Awarding the Bank with the ratings of the authoritative international agencies is another proof of the correctness of the selected development strategy and confirms the leading role of the Bank in the internal and external markets among the commercial banks of Uzbekistan. Availability and stability of the international ratings demonstrate the important role the Bank plays in the national economy.

In view of sharing experience and information in the area of cooperation and working out of current issues with the rating agencies, immediate bilateral meetings with the analysts from the "Standard and Poor's" and "Moody's Investors Service" agencies were held in 2015.









КОРПОРАТИВ БАНК

CORPORATE BANKING



ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ | 2015 | ANNUAL REPORT

### Филиаллар тармоғи

Банк фаолиятининг энг муҳим устувор йўналиши – унга қарашли бўлинмаларнинг самарали фаолият юритиши ва барқарорлигини ҳисобга олган ҳолда уни комплекс ривожлантириш ва бошқаришдир.

2015 йил якунларига кўра, Банкнинг филиаллар тармоғи 93 та бўлинмани ўз ичига олган. Улардан 14 таси бўлим ва 79 таси филиал бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг барча минтақаларида жойлашган мазкур бўлинмалар корпоратив ва чакана миқозларга кенг доирадаги замонавий банк хизматлари кўрсатилишини таъминламоқда.

Бундан ташқари, миқозларнинг барча эҳтиёжларини қондириш, улар учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида, шунингдек улар билан орадаги масофани ҳисобга олиб, республиканинг шаҳар ва қишлоқ жойларида 16 та мини-банк, 220 та махсус кассалар ишлаб туриб, улар орқали сифатли ва замонавий банк хизматлари кўрсатилмоқда.

Мазкур йил янги банк маҳсулотларини жорий этиш борасида Банк тармоғини янада кўпроқ модернизация қилиш ва ривожлантириш даври бўлди. Хизмат кўрсатилаётган миқозлар учун тақдим этилаётган хизматлар сифатини яхшилаш ва Ўзбекистоннинг энг етакчи банки бўлиб қолиш Банкнинг асосий вазифасига айланди.

Банк муассасалари томонидан ўтган йил ичида 948 918 млн. сўм миқдорида даромад олинди ёки прогноз кўрсаткич 124,2 фоизга бажарилди, тегишли равишда соф фойда 81 436 млн. сўм миқдорини ёки 108,6 фоизни ташкил этди.

Банкнинг ўз ресурс базаси мавжудлиги, кредит портфели тўғри диверсификациялангани, истиқболли даромад манбалари чуқур ўрганилгани ва миқозларнинг энг қатъий талабларига жавоб берадиган кенг доирадаги банк маҳсулотлари ва хизматлари жорий этилгани Банкка Ўзбекистон Республикасининг бутун иқтисодий сектори ривожланишида кўмаклашиб, молия-кредит хизматлари бозорида пешқадамлик мавқеини эгаллаб туриш имконини бермоқда.

### Кредит фаолияти

Ўзбекистон банк-кредит тизими иқтисодийётни институционал, таркибий, технологик ўзгартириш ва мамлакатдаги бозор иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш чораларини амалга оширишда энг муҳим ролни ўйнайди. Бу эса, тижорат банклари мавжуд ресурслар ва имкониятларини тўлиқ сафарбар қилиши мумкин бўлган ҳамда мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва иқтисодий

### Branch Network

Complex development and management of Bank's units considering their effective stability make up the most important priority direction in Bank's activity.

As of the results of 2015, the Bank has the network of 93 branches, of which 14 branches and 79 affiliates located in all regions of the Republic of Uzbekistan; they ensure the wide spectrum of modern banking servicing of corporate and retail clients.

Moreover, in view of satisfying the wide range of clients' needs, creation of additional conveniences, as well as consideration of their distance in the urban and rural areas of the Republic, 16 mini banks and 220 specialized cash desks are functioning to provide qualitative and modern banking services.

The year became the period of further modernization and development of banking network for the introduction of new banking products. The major task of the bank is to enhance the quality of services rendered to the clients and remain the leading bank in Uzbekistan.

During the past period the Bank generated the revenue of 948 918 million Soum; in other words the projected indicator was fulfilled at 124.2%, and the net profit correspondingly amounted to 81 436 million Soum or 108.6%.

Availability of the own resource base, correct diversification of the credit portfolio, deep study of the perspective sources of income and the wide range of banking products and services meeting the most strict requirements of the clients allows the Bank occupy the leading positions in the market of banking and finance services promoting development of the entire banking and economic system of the Republic of Uzbekistan.

### Lending Activity

Banking and credit system of Uzbekistan plays the most important role in the implementation of measures on the institutional, structural, technological transformation of the economy and further deepening of market economic reforms in the country. This is certified by the fact that the commercial banks pay particular attention to crediting just those areas, branches and regions where available resources and opportunities can be most fully mobilized and ensure high social and economic results that serve the strengthening of the economic independence of the country and catalyst of its economic growth.

As a result of the implementation of such policy, high technology productions have been created in the Republic, manufacturing of the competitive output is actively mastered. Progressive shifts take place not only in the production structure but also in the export nomenclature.

юксалиш катализатори сифатида хизмат қилувчи юқори ижтимоий-иқтисодий натижаларни таъминлайдиган соҳалар, тармоқлар ва минтақаларни кредитлашга алоҳида эътибор бераётганидан далолат беради.

Натижада республикамизда юқори технологик ишлаб чиқаришлар яратилди, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш фаол ўзлаштирилмоқда. Илғор ўзгаришлар нафақат ишлаб чиқариш тузилмасида, балки экспорт номенклатурасида ҳам юз бермоқда. Биринчи навбатда, жаҳон бозорига хом-ашё ресурсларини эмас, балки тайёр маҳсулотни етказиб бериш ҳажмлари ортмоқда. Шу билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлашдек муҳим масала ҳам ҳал этилмоқда.

Банкнинг 2015 йил учун Кредит сиёсатида мувофиқ Банк томонидан янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт соҳаси, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни жадал ривожлантириш, иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодийнинг мунтазам ва динамик ривожланишига эришиш, ёшларга зарурий шароитлар яратган ҳолда уларни тадбиркорликка жалб қилиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уни янада рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Банк ёш оилалар учун турар-жойлар қуриш ҳамда маиший техника ва жиҳозлар билан таъминлаш ҳисобига уларнинг моддий-маиший шароитларини яхшилаш учун ажратиладиган кредитлар салмоғини кўпайтириш кўзда тутади.

Банк кредит портфелининг ҳажми 2015 йилда ўтган йилнинг мос давридаги кредит портфелига нисбатан 24 фоизга ўсди ва 9 975 млрд.сўмни ташкил этди.

Хорижий валютадаги кредитлаш манбаларига хорижий банкларнинг қайта молияланган маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари, Банкнинг ўз маблағлари, миллий валютадаги кредитлаш манбаларига Банкнинг ўзига тегишли, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан жалб этилган ресурслар киради.

Иқтисодий реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, улар барқарор фаолият юритиши ва экспорт салоҳияти ортишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” ги ПФ-4058 сонли Фармони бажариш мақсадида

First and foremost, supplies of non-raw materials but finished goods into the world market are growing. Simultaneously, such an important issue as employment of the population is being resolved.

Following the Credit Policy of the Bank for 2015, the National Bank of Foreign Economic Activity of the Republic of Uzbekistan pays special attention to the increase of credit volumes in view of organizing new modern productions, modernization, technical and technological refurbishment of enterprises, organization of the job places, provision of steadily high rates of the economic development, all-sided support and further encouragement of small business and private entrepreneurship by creating favorable conditions for broad involvement of youth with the entrepreneurship activity. It is envisaged to increase the weight of credits rendered for construction of housing for young families, and improvement of their material and everyday living conditions at the expense of provision with home appliances and equipment.

In 2015, volumes of credit portfolio increased by 24% compared with the respective period of the past year and made up 9 975 billion Soum.

Foreign currency credit sources are presented by the refinancing fund from the foreign banks, means of the Fund of Reconstruction and Development of the Republic of Uzbekistan and own funds of the Bank; national currency resources are presented by the own assets of the Bank, attracted resources of the Central Bank and of the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan.


Implementation of the measures directed to supporting enterprises of real sector of the economy, ensuring their stable work and increase of the export capacity, and execution of the Presidential Decree No UP-4058 dated 28 November 2008 "On the Program of Supporting Enterprises of the Real Sector of the Economy, Ensuring Their Stable Work and Increase of their Export Capacity", the Bank rendered privileged credits to the exporting enterprises in 2015.

As of 1 January 2016, branch structure of the Credit Portfolio of the Bank is presented in the following way:

Банк 2015 йилда экспортчи корхоналарга имтиёзли кредитлар берди.

2016 йил 1 январь ҳолатига Банк кредит портфелининг тармоқлар бўйича тузилиши қуйидагича бўлди:

**2014 йил натижалари бўйича Миллий банкнинг активлари тузилиши қуйидаги графикда фоиз ҳисобида кўрсатилган:**  
**Assets Structure of the National Bank for 2014 (%)**



2015 йилда Банк Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида" ги ПҚ-1438 сонли Қарорини бажариш юзасидан кредитлашни давом эттирди.

To maintain competitive capabilities in the deposit products market, provision of higher effectiveness in the attraction of population's assets to the deposit accounts and increase of their volume during 2015, seven new time deposits in the national currency were introduced. Along with this, time deposit for the clients of older generation "E'zoz" was introduced to execute the approved State Program "The Year of Attention and Care of Older Generation", "Istiklol" deposit for the 24th anniversary of Independence, time deposit "Matonat" for the "Day of Memory and Honors", "Nafosat" for spring holidays, "Kish ziinati" for New Year and etc.

Successful implementation of the policy of retail services development approved for 2015 permitted the Bank to win the competition on the attraction of the deposits of the population annually held in the Republic between the following the Presidential Resolution No PP-991 commercial




бағишланган "Нафосат", янги йилга бағишланган "Қиш зийнати" депозитлари ва бошқалар.


Чакана хизматларни ривожлантириш соҳасида 2015 йил учун тасдиқланган сиёсат муваффақиятли амалга оширилганлиги Банкка мамлакат Президентининг 2008 йил 31 октябрдаги "Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида" ги ПҚ-991 сонли Қарорига мувофиқ республикада ҳар йили тижорат банклари орасида аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича ўтказиладиган танлов ғолиби бўлиш ҳамда асосий "Аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича йилнинг энг яхши банки" ва қўшимча "Пластик карточкалар бўйича энг яхши эквайер банк" номинацияларида биринчи ўринларни эгаллаш имкониятини берди.

banks dated 31 October 2008 "On Holding Competition on the Attraction of Population's Deposits among the Commercial Banks of the Republic", the Bank occupied the first places in the main nomination: "The Best Bank of the Year on the Attraction of Population's Deposits" and in the additional nomination – "The Best Bank-Acquirer of Plastic Cards".

**Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари ҳажми динамика (млрд.сўм)**  
**Dynamics of Deposit Volumes of Natural Entities in Terms of National Currency (Billion Soum)**



**Жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги депозитлари ҳажми динамика  
(млн. АҚШ доллари эквивалентида)  
Dynamics of the Deposit Volumes of Natural Entities in Terms of Foreign Currency  
(USD million equivalent)**



Чакана хизматлар тўпламига аҳолидан коммунал хизматлар учун ва бошқа тўловларни мини-банклар ҳамда махсус кассалар тармоғи орқали қабул қилиш операциялари ҳам киради. Бу тармоқда 2016 йил 1 январь ҳолатига уларнинг умумий сони тегишли равишда 112 тани ташкил этди. 2015 йилда коммунал ва бошқа хизматлар учун 169,5 млрд. сўм, шу жумладан “МУНИС” тўлов тизими орқали қарийб 20,1 млрд. сўм миқдорда тўлов қабул қилинди.

2002 йилдан буён Банк жисмоний шахсларга халқаро тизимлар орқали амалга оширилаётган нафақат банклараро, балки тезкор пул ўтказмаларини амалга ошириш хизматларини таклиф қилмоқда.

Ҳозирги вақтда Банк муассасалари жисмоний шахсларнинг савдо-сотикқа алоқадор бўлмаган жўнатмаларини “Western Union”, “MoneyGram”, “Золотая корона” ва “Азия Экспресс” тизимлари орқали қабул қилмоқда ва жўнатмоқда.

Лойиҳа бошидан мижозларга хизмат кўрсатиш пунктлари томонидан умумий қиймати 1,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этувчи қарийб 1,7 миллион операция бажарилди, жумладан 2015 йилда умумий қиймати 67 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи 101 тадан ортиқ операция амалга оширилди.


Packet of the retail services also includes operations on the reception of the utilities and other payments from the population through the network of mini banks and specialized cash offices; their total number by 1 January 2016 was 112. In 2015, the Bank received utilities and other services payments totaling 161.5 billion Soum, including those 20.1 billion Soum received through the “MUNIS” payment system.

Since 2002, the Bank offers natural entities services on carrying out both interbank operations and quick money transfers through the international systems.

At present, Bank's units receive and send money orders of non-trade character of natural entities through such systems like “Western Union”, “MoneyGram”, “Gold Crown” and “Asia Express”.

Since the beginning of the project, the servicing points carried out about 1.7 millions of operations totaling the amount of USD 1.1 billion, including over 101 thousand of operations carried out in 2015 that totaled USD 67 million.

**Пул жўнатмалари халқаро тизимлари бўйича бажарилган операциялар ҳажми динамикаси**  
(млн. АҚШ доллари)  
**Dynamics of Volumes of Operations through the International Money Transfer Systems**  
(USD million)



Банкнинг инвестицион фаоллигини ошириш учун банк-молия тизимининг барқарорлигини ҳамда ишончли ресурс базасини таъминлаш мақсадида жорий йилда депозитлар рўйхатини кенгайтириш, шу жумладан, янги омонат турларини жорий этиш ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш йўли билан аҳолининг Банкка жалб этилаётган бўш пул маблағлари ҳажмларини янада кўпайтириш чакана хизматларни ривожлантириш соҳасидаги бош йўналиш бўлади.

**Пластик карточкалар**

Банк 20 йилдан ортиқ вақт давомида пластик карточкаларни муомалага чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш масалаларида етакчилик мавқеини мустаҳкам ушлаб турибди. 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига Банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 2,5 млн. донани ташкил қилди, жумладан, “Он-лайн” пластик карточкалар сони 1 миллиондан ортиқ, халқаро Visa карталари – 112 мингта ва корхоналарда хизмат кўрсатаётган иш ҳақини пластик карточкалар орқали оладиган ходимлар сони – 14,1 мингдан зиёд.

With a view to form the stable resource base to increase the investment activity of the Bank, the further increase of the volumes of free assets of the population attracted to the deposits by widening their range, as well as introduction of new banking products and services rendered to the population and improvement of their quality, turned into the main direction in the field of development of the retail services.


**Plastic Cards**

In the course of over 20 years the Bank holds the leading positions in issuing, putting into circulation and servicing of the plastic cards. Thus, according to the reporting data by 1 January 2016, the number of cards released into circulation made up about 2.5 million pieces, of which cards of new "on-line" system make up over 1 million, international Visa cards – over 112 thousand, the number of served enterprises whose employees get salary by means of plastic cards exceeds 14.1 thousand.

Банк томонидан 20 мингтадан ортиқ тўлов терминаллари ўрнатилган бўлиб, улар орқали 2015 йилда умумий қиймати 3,4 триллион сумдан ортиқ транзакциялар амалга оширилган, ҳамда шу давр ичида пластик карточкаларга 5,3 триллион сумдан ортиқ маблағлар ўтказилган.

The Bank installed over 20 thousands of payment terminals; in 2015, they carried out transactions totaling over 3.4 trillion Soum; during the same period over 5.3 trillion Soum were credited to plastic card accounts.


**Умуман активлар ва даромадли активларнинг ўсиши**  
**Growth of the On Balance Assets (Net) and Earning Assets**



**Савдо-сервис корхоналари ва банк муассаларида ўрнатилган терминаллар сони**  
**Number of Terminals Installed in the Trading and Servicing Enterprises and Units of the Bank**




**Савдо-сервис корхоналаридаги айланмалар суммаси  
(млрд.сўмда)**  
**Summary of Turnovers at the Trading and Servicing Enterprises  
(Million Soum)**



Сўм пластик карточка ҳисобварақларидаги қолдиқлар қиймати 2016 йил 1 январ ҳолатига 280,9 млрд. сўмга, шунингдек халқаро карталар бўйича қарийб 23 млн. АҚШ долларига тенг бўлди.

The amount of balances on the accounts opened against the Soum plastic cards by 1 January 2016 was defined as 280.9 billion Soum, and against the international cards – about USD 23 million.

**Сўм пластик карточка ҳисобварақларидаги қолдиқлар суммаси динамикаси  
(млрд.сўмда)**  
**Dynamics of the Amount of Balances on Card Accounts  
(Billion Soum)**



Банк мижозлар учун пластик карточкаларни нафақат ҳисоб-китоб қилишда қулай восита сифатида, балки уни қўшимча хизмат ва сервислардан фойдаланиш имконини берувчи воситага айлантиришга интилимда ва бунинг учун мижозлар ҳамма жойда ҳисобварақлари бўйича операциялар тўғрисидаги ахборотни мобил телефонларига SMS-хабарлар, электрон почтасига e-mail хабарлар кўринишида, ҳамда шахсий WEB- ва IVR-кабинетлар орқали олиш имкониятини бермоқда. Ушбу хизмат турларидан фойдаланувчилар, шу жумладан “он-лаён” пластик карточкалари эгаларининг сони 2016 йил 1 январь ҳолатига 248 мингдан ортиқ бўлди.

Бундан ташқари, банк мижозлари CLICK тизимидан фойдаланиш ва у орқали он-лайн режимда мобил оператор, шаҳар ва халқаро телефон алоқа ҳамда коммунал хизматларига тўлов ўтказиш имкониятига эгадирлар. 2016 йил 1 январь ҳолатига мазкур хизматдан фойдаланувчилар, шу жумладан “он-лайн” пластик карточкалари эгаларининг сони 119 мингтадан ортиқ бўлди.

Юқорида санаб ўтилган имкониятлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ҳисоб-китоб неттинг тизими – МУНИСдан фойдаланган ҳолда ҳам тақдим этилади.

2015 йилда Банк Ўзбекистон савдо-сервис корхоналарига, шунингдек ҳунармандларга VISA халқаро карта эгалари учун Интернет орқали товар ва хизматларни реализация қилиш бўйича биринчи эквайер банкка айланди ва VISA халқаро тўлов тизими томонидан электрон тижорат хизматларини тақдим этиш учун тегишли лицензияни қўлга киритди.

Visa халқаро карталар бўйича мижозларимизнинг ҳисоб-китоблари хавфсизлигини ошириш мақсадида Банк 2015 йилдан бошлаб тўловларнинг энг хавфсиз воситаси сифатида тан олинган VISA чипли карталарини муомалага чиқармоқда. Банк жорий йилда янги Visa Gold ва Visa Platinum карта маҳсулотларини жорий қилишни мақсад қилган.


Мижозларга тақдим этилаётган чакана хизматларни кенгайтириш мақсадида ва ўтган йилда амалга оширилган ташкилий ишларни ҳисобга олган ҳолда Банк 2016 йил бошида MasterCard халқаро тўлов тизимининг асосий аъзоси мақомини олиш ва ўз инфратузилмасида мазкур тизимнинг карталарига хизмат кўрсатиш билан бир қаторда унинг номи билан эмиссия қилинган чипли карталар чиқарилишини таъминлашни режалаштирмоқда.


Айнан шундай ишлар Union Pay International тўлов тизимига Банкнинг аъзоликка кириши бўйича ҳам амалга оширилмоқда.

The Bank strives to turn plastic cards not only into the instrument convenient for clients' settlements but also permitting to receive additional services and serving. With this view there was commonly introduced the opportunity to inform clients about the operations on their accounts including card operations, mobile telephone's SMS-messages, e-mail warnings to the electronic mail addresses, as well as using Web- and IVR-cabinets. As of 1 January 2016, the number of users of these services made up about 248 thousands including the "on-line" cards holders.

Besides that, clients of the Bank can use the opportunities of the CLICK system that permits the "on-line" payment of services of the operators of the mobile, local and world communications, as well as the communal services. As of 1 January 2016, the number of users of this service made up over 119 thousands.

The above enumerated opportunities are also provided with the use of the netting system of settlements of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan - MUNIS.









ИНВЕСТИЦИЯ БАНКИ

INVESTMENT BANKING



ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ | 2015 | ANNUAL REPORT

Банк мамлакатдаги энг катта инвестиция банки ҳисобланади. Банкнинг кенг қўламли ва замонавий инфратузилмаси Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни фаол қўллаб-қувватлайдиган молия ва саноат секторлари ривожланишига кўмаклашмоқда.

Ҳозирги кунда илгари ёпилган корхоналар бугун янгитдан ҳаёт бошламоқда. Экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда, минглаб одамлар доимий даромад манбаига эга бўлаётдилар. Бу эса ўз навбатида, нафақат мамлакат иқтисодий жиҳатдан тараққий этишига, балки республика аҳолисининг фаровонлиги ортишига ҳам хизмат қилади.

2015 йилда Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4053 сонли Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги “Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-4010 сонли Фармойишига мувофиқ Банк балансига қабул қилинган иқтисодий ночор корхоналар негизда ташкил этилган шўъба корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш ишлари давом эттирилди. Шу билан бирга Банк инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, стратегик жиҳатдан муҳим корхоналарнинг акциядорлари ва қатнашчилари таркибига кириш йўли билан корхоналарни модернизация қилш, технологик ва техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлашда банк иштирокини кўпайтириш бўйича ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 2016 йил 1 январь ҳолатига акциялар ва улушларни харид қилиш йўли билан корхоналар устав капиталига инвестиция қилинган Банкнинг умумий қўйилмалари 791,0 млрд. сўмни ташкил этди.

2016 йил 1 январь ҳолатига Банк балансига қабул қилинган 68 та корхона мулкидан:

- 60 та корхонанинг мол-мулки янги мулкдорларга сотилди;
- 8 та корхонада ишлаб чиқариш фаолияти тикланди ва салоҳиятли инвесторларга сотиш ишлари олиб борилди.

Корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, модернизация қилиш ва уларни зарурий айланма сармоя билан таъминлаш учун жами 264,2 млрд. сўм миқдорида, хусусан 2015 йилда 10,0 млрд. сўм миқдорида маблағлар инвестиция қилинган.

Банкрот корхоналарнинг банк балансига қабул қилинган мол-мулкни сотиш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида ҳозирги кунга қадар 60 та

The National Bank of Foreign Economic Activity of the Republic of Uzbekistan is the largest investment bank in the country. Modern and ramified infrastructure of the Bank promotes development of the financial and industrial sectors that are the most important directions of deepening of the economic reforms in Uzbekistan.

By entering with its capital in shareholders composition of the strategically important enterprises of the Republic, the Bank participates with its capital in the investment processes of enterprises referring to different sectors of the economy, modernization, technical and technological refurbishment. Nowadays earlier bankrupted insolvent enterprises start their activity anew. Export-oriented and import-substitution produce are manufactured; thousands of people have permanent sources of income. And this, in its turn, serves not only development of the economy of the country but also raises the welfare of the Republican population.

In 2015, following the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan № UP-4053 dated 18 November 2008 "On the Measures on the Further Increase of the Financial Stability of the Enterprises of the Real Sector of the Economy" and Ordinance of the President of the Republic of Uzbekistan № R-4010 dated 19 November 2008 "On the Approval of the Order of Sales of the Economically Insolvent Enterprises to the Commercial Banks", the Bank continued its work on the establishment of subsidiary enterprises created on the basis of the economically insolvent enterprises taken on to the balance sheet of the Bank. Along with that the Bank carries out works on the acceleration of Bank's investment activity, modernization of enterprises by entering in the number of shareholders and participants of the strategically important enterprises, broadening of Bank's participation in their technical and technological refurbishment.

In particular, as of 1 January 2016, total placements of the Bank invested in the authorized capitals of the enterprises through acquiring their stakes and shares made up 791.0 billion Soum.

As of 1 January 2016, property of 68 enterprises where taken on the balance sheet of the Bank:

Property of 60 enterprises was sold to new proprietors;

Production activity at 8 enterprises was restored and the work is carried out on their sale to potential investors.

To restore productions, modernization and provision of necessary working capital of enterprises, totally 264.2 billion Soum were invested, including 10.0 billion Soum in 2015.

As a result of the measures on the sales of property of the bankrupt-enterprises taken on the balance sheet of the Bank, property of 60 enterprises were sold at the

корхонанинг мулки 1011,7 млрд. сўм эквиваленти қийматида сотилди. Шундан, тузилган шартномаларнинг шартларига мувофиқ инвесторлар томонидан 318,1 млрд. сўм эквиваленти миқдоридagi тўловлар тўлаб берилди.

Шу билан биргаликда, Банкнинг ресурс базаси таркибини узоқ муддатли маблағлар билан янада кўпайтириш, республика фонд бозорини юридик шахслар учун қулай бўлган янги молия инструментларини чиқариш йўли билан янада ривожлантириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги ПҚ-1438-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, 2015 йилда 20,0 млрд. сўм миқдоридagi юридик шахсларга мўлжалланган депозит сертификатлари эмиссияси рўйхатдан ўтказилди ва потенциал инвесторлар орасида тўлиқ жойлаштирилди.


Ҳозирги вақтда Банкнинг жами 158,4 млрд. сўмлик қарз қимматли қоғозлари муомалада юрибди ва улардан 100 млрд. сўми муддатли корпоратив облигациялардир.

total amount equivalent to 1011.7 billion Soum, of which following the terms of the concluded agreements, 318.1 billion Soum were repaid as debt.

Along with this, with a view of increase of the long-term assets in the resource base of the Bank, further development of the Republican stock market by issuing new financial instruments friendly for legal entities, as well as following the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan №PP-1438 dated 26 November 2010, "On the Priority Directions of Further Reformation and Growth of the Stability of the Financial and Banking System of the Republic in 2011-2015 and Achievement of High International Rating Indicators", in 2015, there was registered the issue of deposit certificates for legal entities amounting to 20.0 billion Soum; they were fully placed among the potential investors.

Currently, there are circulated debt securities of the Bank totaling 158.4 billion Soum; of which 100 billion Soum are long term corporate bonds.

**Тармоқлар бўйича қимматли қоғозлар портфелининг тузилиши**  
**1.01.2016 йилга**  
**Branch Structure of the Securities Portfolio**  
**(as of 01.01.2016)**







**БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ**

**DEVELOPMENT OF BANKING TECHNOLOGIES**



ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ | **2015** | ANNUAL REPORT



Хозирда Банк лойиҳалаштирилган, сифатли тузулмавий инфраструктурага эга бўлиб халқаро стандартларга мувофиқ янги ахборот технологияларни татбиқ этишни кўзда тутган ҳолда, банк хизматларини тақдим этишдаги пешқадам мавқеини сақлаб келмоқда. Ахборот технологиялари департаменти томонидан жорий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва Банкнинг техник ва технологик инфраструктурасини келажакда такомиллаштириш ва ишонч даражасини ошириш бўйича янги лойиҳалар устида иш олиб бориш амалга оширилмоқда.

Шундай қилиб, Банкда нафақат банк мижозлари билан, балки банкнинг ўз тизимида ҳам самарали ишни ташкил қиладиган замонавий инновацион технологиялари ишлатилмоқда.

Автоматлаштирилган банк тизими Банк бўлинмаларини оператив бошқариш, молиявий ресурсларни керакли соҳаларга қаратиш орқали Банк амкониятларини бошқаришни кўзда тутди. Банк асосий тармоқларининг ишончлилиги кластер қарорлар асосида резервлаш ҳисобига эришилди. Бу эса бир ёки бир неча серверлар ишдан чиққан ҳолатида ҳам функционалликни таъминлайди.

2015 йилда Банкнинг 11 та бўлим ва филиаллари (Наманган вилоятида 7 та филиал, Жиззах вилоятида 3 та филиал ва Сирдарё вилоятида 1 та филиал) марказлаштирилган Т24 автоматлаштирилган банк тизими (АБТ)га ўтказилди ҳамда Банкнинг департаментлари ва бошқа бўлинмалари ўртасида электрон рақамли имзо (ЭРИ)дан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжатларни алмашиш модули ишга туширилди.

Банк веб-сайтининг дизайни янгиланди, мижозлар масофадан туриб ишлаши учун Android ва IOS операцион тизимларига мобил версия ва мобил илова ишлаб чиқилди.

Асосий воситалар, товар-моддий бойликларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш, иш ҳақларини ҳисоблаш учун 1С дастурий таъминоти фойдаланишга топширилди.

Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва Банк ишининг ишончлилигини ошириш мақсадида Банк бўлим ва филиалларининг компьютер, сервер ва периферия техникаси парки янгиланди.

Банкнинг Бош амалиёт бўлими ва Тошкент шаҳар Бош бошқармаси биноси ўртасида оптик толали кабель ўтказиш бўйича лойиҳа амалга оширилди.

Малакали мутахассислар жамоаси Банкнинг юқори рақобатбардошлигини кафолатлайдиган банкнинг ахборот тизими амал қилишини ва янги янада истиқболли ахборот технологияларини жорий этилишини таъминлайди.

The Bank possesses the well designed qualitatively structured infrastructure allowing introduction of new information technologies meeting international standards; this permits the Bank to keep the leading positions in rendering banking services in the Republic of Uzbekistan. Bank's Department of Information Technologies carries out support of current projects and works on the new projects on supporting enhancement of reliability level and further improvement of technical and technological infrastructure of the Bank.

Therefore, the Bank uses modern IT instruments permitting to organize effective work with both clients of the Bank and within the Bank's structure.

The automated banking system allows manage resources of the Bank by concentrating financial resources in needed areas and directions, operatively manage Bank's units. Reliability of major systems of the Bank has been achieved at the expense of cluster solutions. This ensures functionality even in case of failure of one or several servers.

At the same time, considering development trends of the information technologies in the world; specialists of the Bank are implementing new projects on the improvement of Bank's information systems.

In 2015, eleven branches and affiliates of the Bank were switched onto the central automated banking system (ABS) T24 (Namangan region - 7 branches, Jizzak region - 3 branches and the Syrdarya branch - 1 branch); there also has been accomplished the module of electronic documentation exchange between the Department and other units of the Bank with the application of the electronic and digital signature (EDS).

Design of the Bank's website has been updated; mobile version and mobile application for Android and IOS systems of distant work with the clients have been designed.

Software 1C for the bookkeeping of fixed assets, inventory items and payroll accounting has been introduced and put into operation.

In view of improving quality of clients servicing and raising reliability of Bank's work, depot of computer, server and periphery technique of Bank's branches and affiliates have been updated.

There has been accomplished the project on laying fiber-optical cable between the building of the Head Operational Department of the Bank and the new building of the Tashkent Head-office. This project permitted to ensure full backup of the communications channels between the above mentioned buildings.

The team of highly qualified specialists and professionals ensures the work of the information systems of the Bank and introduction of new, most perspective information technologies that guarantee high competitive power of the Bank.







**БАНК ХОДИМЛАРИ**

**BANK'S PERSONNEL**





Маълумки, Банк менежменти тизимининг муҳим тузилмаларидан бири деб ходимларни бошқариш кўйи тизими ҳисобланади. Ходимлар билан ишлаш жараёни қанчалик йўлга қўйилганлиги, чуқур билимга асосланганлиги, профессионаллиги ва масъулиятлилигининг қўйилган вазифаларга мос келиши иш кучи ресурслари сифатига, уларнинг банк мақсадларига эришишида қўшган улушига ва бутун банк фаолиятининг сифатига боғлиқдир.

Банкка касбий тайёргарликка эга ва замонавий банк технологияларидан фойдалана оладиган, ўз ишлаш усулларини доимо такомиллаштириш қобилиятига эга мутахассислар талаб этилади. Ушбу шароитларда ишлай оладиган жамоани шакллантириш учун ходимлар сонини режалаштириш ва прогнозлаштириш, уларнинг малака даражасини ва касбий табақаланишини ошириш, мутахассисларни аниқ мақсадли танлаш юзасидан стратегик ёндашиш усулларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Ҳозирги вақтда Банк кадрларини тайёрлаш стратегияси Банк ходимларини таёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада ривожлантиришга қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш тизими Банк томонидан оператив эҳтиёжлар ва стратегик манфаатлардан келиб чиқиб шакллантирилади. Катта эътибор Банк тизими учун кадрлар резервини тайёрлаш масаласига қаратилган бўлиб, у 364 нафар истиқболли мутахассисларни ўз ичига олади.

2016 йил 1 январь ҳолатига Банк тизимида 6 397 нафар ходим ишламоқда.

2015 йилда Банк мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида 1 857 минг нафар ходим қамраб олинди, шу жумладан:

Банк тизимида фаолият кўрсатувчи 944 нафар ходим Банк мутахассислари малакасини ошириш марказида таълим олишди, хусусан 269 нафари Тошкент шаҳридаги Малака ошириш маркази (ММ)нинг негизидаги семинарларда, 402 нафар мутахассис масофадан туриб таълим олишди, Банк таркибий бўлинмаларининг 162 нафар мутахассиси жойларда ўтказиладиган семинарларда, 74 нафари раҳбарлик лавозимлари учун резервни шакллантириш мақсадида таълим олишди;

Хитой Давлат тараққиёт банкининг (ХДТБ) таклифига биноан Банкнинг 12 нафар мутахассиси Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Банклараро бирлашмаси (ШХТ ББ)га аъзо банклар учун Пекинда ўтказилган халқаро тематик семинарларда иштирок этди, бундан асосий мақсад – малакани ошириш, ШХТ ББга аъзо банклар ўртасида фикрлар алмашиш;

Банкнинг 2 нафар ходими хорижий магистратурада ўқишни тугатишди.

As it is known the subsystem of personnel management is one of the most important components in the bank management system. Achievement of the goals of the bank, quality and efficacy of the entire banking activity depend on how the work with the personnel is organized, to what extent their competence, professionalism and responsibility comply with the setup tasks.

Professionally prepared specialists able to ensure implementation of modern banking technologies, able to improve methods of their work, constitute the basis to form the effective and workable collective. This demands developing of the strategic approaches to planning and forecasting of the number of personnel, its training, retraining and enhancement of its qualification level and professional differentiation, accomplishment of targeted selection of the specialists.

At present Bank's strategy of cadre training is aimed at further development of the system of training and retraining of Bank's personnel. The Bank builds its system of advanced training based on its operational needs and strategic interests. Great attention is paid to the issue of training personnel reserve for Bank's system comprising 364 perspective specialists.

As of 1 January 2016, there are 6 397 people working within the Bank's system.

In 2015 in view of training, retraining and advanced training of specialists, the Bank covered 1 857 thousand people, of which:

944 workers of the Bank's system were trained at the Center of Advanced Training for Bank's Specialists (CAT), including 269 at the seminars on the basis of CAT in Tashkent itself, 402 specialists got distance training, 162 specialists of the territorial units of the Bank - at the visiting seminars, 74 specialists were trained as the reserve for top managerial positions;

12 specialists of the Bank at the invitation of the State Development Bank of China participated in the international topical workshops in Beijing held for the member-banks of the Interbank Association of the Shanghai Cooperation Organization (IBA SCO); the main goal was advanced training, qualification enhancement, exchange of opinions between IBA SCO member-banks;

Two specialists from the Bank completed the postgraduate course: one specialist from Credit Department studied at the Japanese Ritsumeikan University within the grants program provided by the Japanese government JDS/JICE; one specialist from the Money Circulation Department studied within the KOICA program granted by the government of the Korean Republic at the Korean University of Advanced Technologies. Two employees from the Fergana and Tashkent regional branches of the Bank continue their postgraduate studies



Кредит департаментининг 1 нафар ходими Япониянинг Рицумейкан университетида JDS/JICA ҳукумат грантлари дастури бўйича; Пул муомаласи департаментининг 1 нафар ходими Корея Республикасининг илғор технологиялар университетида KAIST/KOICA ҳукумат грантлари дастури бўйича магистратурада таълим олишди. Фарғона ва Тошкент вилояти бўлимларининг 2 нафар ходими Япониянинг Рицумейкан университетида таълим олишмоқда, уларнинг таълим олиш жараёни ва рейтинг даражаси мунтазам равишда тизимли мониторинг қилиб борилмоқда;

Банкнинг 9 нафар ходими Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси (БМА)да “Банк иши”, “Инвестицияларни бошқариш”, “Банкда ҳисоб юритиш ва аудит” мутахассислиги бўйича магистратурани тамомлашди; Банкнинг 12 нафар мутахассиси БМАНинг магистратурасида таълим олишмоқда;

Банк Бухоро бўлимининг 1 нафар мутахассиси Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат бошқарув академияси (ДБА)да таҳсил олмоқда; Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг 1 нафар ходими Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги хузуридаги Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази (КБИТМ)нинг магистратурасида таҳсил олмоқда; ДБА ва КБИТМ битирувчилари Банкнинг кадрлар резервида туришади, уларнинг аксарияти раҳбарлик лавозимларига тайинланган.

Банк раҳбарлар доирасининг 3 нафар ходими Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази (КБИТМ)нинг қисқа муддатли семинарида таълим олишди.

Банк Бош офиси бизнес бўлимлари, “NBU Investment” ва “NBU Invest Group” шўба инвестиция компаниялари ҳамда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 102 нафар мутахассиси Дойче Банк АГ (Германия) томонидан ташкил этилган ва АГ Дойче Банк мутахассислари томонидан Банк негизда халқаро банк амалиёти масалалари юзасидан ўтказилган 3 кунлик ихтисослаштирилган семинарда иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438 сонли Қарори ижроси юзасидан Банк тизимининг 449 нафар мутахассиси қисқа муддатли таълим курсларида ўз малакасини оширишди;

at Ritsumeikan University in Japan; the process of their studies and ratings are systemically monitored on the permanent basis;

Nine employees of the Bank graduated the Master's course at the Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan (BFA) in the following specializations: "Banking", "Investment Management", "Banking Accounting and Audit"; twelve specialists of the Bank continue their training at the Master's Course of the BFA;

One specialist from the Bukhara branch of the Bank studies at the Master's Course of the Academy of State Management under the President of the Republic of Uzbekistan (ASM); one employee from the Tashkent Head-office studies at the Master's Course of the Scientific and Educational Center of Corporate Governance under the Ministry of Economy of the Republic of Uzbekistan (SECCG); the ASM and SECCG graduates constitute the personnel reserve of the Bank, many of them have been appointed to the managerial positions.

Three management officers of the Bank studied at the short-term seminar of SECCG.

One hundred and two specialists from business units of the Head-office of the Bank, subsidiary investment companies "NBU Investment" and "NBU Invest Group", as well as the Fund of Support of Export of Small Business and Private Entrepreneurship, took part in a 3-day specialized seminar on the issues of international banking practices organized by Deutsche Bank AG (Germany) and held by its specialists on the basis of the Bank;

Four hundred forty nine specialists from the Bank's system improved their qualification at the short-term training courses executing the Resolution No PP-1438 of the President of the Republic of Uzbekistan dated 26 November 2010 "On the Priority Directions of Further Reformation and Enhancement of Sustainability of the Financial and Banking System of the Republic in 2011-2015 and Achievement of High Rating Indicators". Following the training schedule of specialists from the commercial banks for 2015, Bank's specialists were improving their qualification at the courses at the Singapore Institute of Management Development in Tashkent, at BFA, at the Tashkent State Economic University, at the International Center of Financial and Economic Development - Uzbekistan, at the Institute of Advanced Training and Retraining of the Financial and Banking Employees under the Tashkent Financial Institute, at the Regional Banking Training Center; main topics for training: international standards of financial reporting; fundamentals of theory and practice, credit operations of the banks, methods of implementation of mortgage lending, management of the personnel in the commercial bank, project financing, international standards of financial reporting and others; results of training were respectively certified;

тижорат банклари мутахассисларини ўқитиш бўйича 2015 йил учун тасдиқланган режа-жадвалга

Биоан Банк мутахассислари Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, БМА, Тошкент давлат иқтисодий университетини, Халқаро молиявий-иқтисодий ривожлантириш маркази - Ўзбекистон, Тошкент молия институти қошидаги молия – банк ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тармоқлараро институти, Минтақавий банк таълим марказидаги курсларда ўз малакаларини оширишди. Ўқитиш учун асосий мавзулар: молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, назария ва амалиёт асослари, банкларнинг кредит операциялари, ипотека кредитларини бериш усуллари, тижорат банкида ходимларни бошқариш, лойиҳаларни молиялаштириш, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва бошқалар. Таълим якунларига кўра тегишли сертификатлар олинди.

Банкнинг 15 нафар мутахассиси Тошкент давлат иқтисодий университети ва Тошкент молия институтида 1- ва 2-мутахассисликлар бўйича магистратурада тахсил олишмоқда, бундан асосий мақсад – олий иқтисодий ва молиявий маълумотни олиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви, жойлардаги давлат ҳокимият органлари ходимларининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги малакасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 73-сонли Қарорига мувофиқ БМАнинг Ўқув маркази негизда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасида Банкнинг 320 нафар мутахассиси малакасини оширишди.

Ўзбекистон Республикасининг 294 нафар олий ўқув юртлири талабалари ва касб-ҳунар колледжлари ўқувчилари Банк бўлинмаларига амалиёт ўташ учун қабул қилинди, стажировка якунларига кўра улардан 20 нафари Банк тизимига ишга қабул қилинди.


Кадрларни янгилаш, ротация қилиш ва кадрлар стажировка ўташи бўйича мунтазам равишда ишлар олиб борилмоқда.

Fifteen specialists of the Bank are getting training at the Tashkent State University of Economics and Tashkent Financial Institute; 1, 2 are specializing, at the Master's Course aiming to get higher economic and financial education;

Three hundred twenty specialists of the Bank enhanced their qualification in the field of the information and communications technologies (ICT) on the basis of the BFA training center organized in accordance with the Resolution No 73 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated 27 March 2014 "On the Additional Measures on the Advanced Training of the Employees of the State and Economic Management, State Power on Site in the Area of Information and Communications Technologies";

Two hundred ninety four students of higher educational institutions and professional colleges of the Republic of Uzbekistan have been taken to practise at the Bank's units; as a result 20 of them have been employed by the Bank's system.

The work on cadre updating, rotation and probation is constantly held.









**БАНК ҚОШИДАГИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ  
ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ  
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМЃАРМАСИИ**

**FUND OF SUPPORT OF EXPORT OF SMALL  
BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP  
ENTITIES UNDER THE BANK**



ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ | **2015** | ANNUAL REPORT



Банк қошидаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПҚ-2022 – сонли Қарорига мувофиқ, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, уларга замонавий, чет эл бозорларига рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ва уни экспортга чиқаришда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш, мамлакатимизнинг экспорт қилувчи тадбиркорларини ташқи бозор конъюнктураси ўзгаришлари хавф-хатарларидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

Қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, 2013-2015 йилларда Жамғарманинг кўмаги билан маҳаллий тадбиркорлар умумий қиймати 3 млрд. 536 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт шартномаларини тузишда ва мазкур шартномалар доирасида 1 млрд. 892 млн. АҚШ доллари миқдорида товарлар ва хизматларни экспорт қилишди.

Хусусан, 2015 йил якунларига кўра Жамғарма томонидан ташқи бозорларга товар ва хизматларни чиқариш бўйича 3 213 нафар тадбиркорлик субъектига ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатилди. 2014 йилга нисбатан Жамғарма томонидан қўллаб-қувватланган тадбиркорларнинг сони 1,3 баравардан ёки 814 нафарга ошди.

Шундай қилиб, 2014 йилда 1776 нафар тадбиркорлик субъектига ташқи бозорларни ўрганиш ва хорижий шерикларни топиш бўйича ёрдам кўрсатилган бўлса, 2015 йилда бу каби тадбиркорларнинг сони 2 894 нафарни ташкил этди ёки 1,6 бараварга ошди. 203 нафар тадбиркорлик субъектига хорижий ярмаркаларда, халқаро тендер савдоларида иштирок этиш бўйича ҳамда халқаро сертификатлар, рухсат берувчи ҳужжатларни олиш ва божхонада расмийлаштириш бўйича ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатилди. 116 нафар тадбиркорлик субъектига экспорт шартномаларини тузиш ва маълумотларни ташқи савдо айланмасининг ягона тизимига киритишда ёрдам берилди.

Натижада, 2015 йилда тадбиркорлик субъектларига умумий қиймати 2,23 млрд. АҚШ доллари миқдорида экспорт шартномаларини тузишда кўмак берилиб, улардан умумий қиймати 1,05 млрд. АҚШ доллари миқдорида 409 нафар тадбиркорлик субъекти томонидан товар ва хизматлар экспорт қилинди.

Fund of Support of Export of Small Business and Private Entrepreneurship Entities under the Bank was established following the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No PP-2022 dated 8 August 2013 "On the Additional Measures on Export Support of Small Business and Private Entrepreneurship" in view of further widening of export capacity of small business and private entrepreneur entity, providing them with necessary legal, financial and organizational assistance in the increase of production of modern output competitive in foreign markets and its promotion for export, provision of reliable protection of the domestic entrepreneur-exporters from the risks of changes of the conjuncture of the external market.

Considering the setup tasks, with the assistance of the Fund domestic entrepreneurs in 2013-2015 concluded export contracts totaling the amount of USD 3 billion 536 million, and within the framework of these contracts exported goods and services totaled USD 1 billion 892 million.

